Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

O'z LiDeP

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 28-APREL, PAYSHANBA, 17 (649)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон – Россия:

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

25 апрель куни Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентларнинг самимий ва сермазмун суҳбати узоқ давом этди. Томонлар Ўзбекистон – Россия муносабатлари, жаҳоннинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеалар хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро алоқалар ривожига янги суръат бағишлашини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр алмашиш учун қулай имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги доирасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг ташкилот ишини янада фаоллаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Владимир Путин Ўзбекистон томонидан ШҲТнинг июнь ойида Тошкентда бўладиган саммити муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган ташаббусларни Россия томони қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Ўзбекистон – Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутади. 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015-2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари орасида иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Россияга транспорт воситалари, пахта толаси, трикотаж, мева-сабзавотлар, қора ва рангли металлар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қоғоз саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 900 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 85 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич 7,9 фоиз ошган.

2→

## ЯНГИ ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 31 мартда маъқулланган ва Президентимиз томонидан 11 апрелда имзоланган "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни расмий эълон қилинган кундан, яъни 2016 йилнинг 12 апрелидан эътиборан кучга кирди.**

**O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида куни кеча ўтказилган давра суҳбатида мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти яна бир бор чуқур ўрганилиши баробарида унинг ижросини қатъий назоратга олиш юзасидан партия олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.**

**Парламент қуйи палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Дониёр Абдуқодиров янги қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унда мазкур назоратни амалга оширишда жуда муҳим бўлган парламент назорати субъектлари, объекти, амалга ошириш шакллари, субъектларнинг мажбуриятлари, парламент назорати натижалари каби масалалар ўрин олгани хусусида атрофлича маъруза қилди.**







*Солиҳ ЗОИР олган суратлар*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Адҳам Шодмонов асосий мақсади парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган яхлит қонунчилик базасини яратишдан иборат бўлган ушбу қонуннинг долзарб аҳамияти ва мазмун-моҳияти хусусида сўз юритар экан, унинг қабул қилиниши муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидлади.**

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кириши ҳокимиятнинг вакиллик органларида энг катта депутатлик корпусига эга партия сифатида O'zLiDePга катта масъулият юклайди. Зеро, жамиятни демократлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш йўналишидаги изчил ислоҳотлар муваффақиятида парламент ва ундаги фракциялар фаолияти муҳим ўрин тутади. Янги қонун яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик дастур – "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" қоидалари асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

"Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг кучга кириши давлат ҳокимияти тармоқларининг конституциявий бўлиниш тамойили – ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати борасидаги ишларнинг мантиқий давоми, десак муболаға қилмаймиз. Унда Олий Мажлис палаталари назорат функцияларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва усуллари мустаҳкамлаб қўйилгани, жумладан, мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий ҳужжати – Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишга доир нормалар аниқ белгилангани диққатга сазовордир.

— Янги қонун биздан қабул қилинаётган қонунлар, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг сўзсиз ижросини таъминлаш борасидаги ишларни юксак даражага кўтаришни талаб этаётир, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Баҳром Ниёзматов. — Ушбу принципиал позициядан келиб чиққан ҳолда бугун янги қонуннинг барча қоидаларини фракция фаолиятига жорий этишга қаратилган амалий чора-тадбирларни белгилаб олишимиз зарур.

Бу қонуннинг қабул қилиниши парламент назорати тўғрисидаги нормаларни унификация қилиш, парламент назоратини сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтариш имконини берди. Жумладан, Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботларини тинглаш ва муҳокама қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича йиллик ҳисоботларини кўриб чиқишга доир аниқ механизмларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди. Парламент назоратининг қонуности ҳужжатлари қабул қилинишини мониторинг қилиш ва парламент текшируви каби шаклларининг ҳуқуқий асосларини яратди.

Мунозараларда сўзга чиққанлар қайд этганидек, парламент назорати шакллари ва амалга ошириш тартибининг аниқ белгилаб қўйилгани қонуннинг бир хил ижро этилишини таъминлаш баробарида сиёсий партиялар фракцияларининг назорат-таҳлил фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади. Шу маънода, O'zLiDeP фракцияси парламент назоратининг барча шаклларидан оқилона фойдаланиши, назорат-таҳлил тадбирлари самарадорлигини ошириш мақсадида бу жараёнга партиянинг тегишли тузилмаларини жалб қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимиз демократик ислоҳотлар йўлидан оғишмай бораётганидан далолат беради. Бинобарин, O'zLiDeP фракцияси парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва бошқарув органлари раҳбарларининг қонунчилик ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда тинглаш, депутатлик сўровларига батафсил жавоблар олишни мунтазам амалиётга айлантириш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солиши даркор.

**Ўз мухбиримиз**

Сарҳисоб

## O'zLiDePнинг таянч нуқталари

***Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида ана шу фикр қайта-қайта тилга олинди***




**O`zLiDeP сиёсий кучнинг пойдевори — бошланғич ташкилотларни кучайтириш, улар фаолиятини такомиллаштириш йўлидан собитқадамлик билан боряпти. Нега? Корхона, хўжалик ёки муассасада янги-янги қуйи бўғинлар очиш, уларга партия ташкилотлари масъул ходимлари, депутатларни бириктириш, рағбатлантириш, етакчилар ва аъзоларни ўқитиш, қисқаси, мазкур тузилмаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш нима учун зарур?**

Аввало шуни айтиш керакки, партия дастурий ғоя ва мақсадларини изчил тарғиб этишда сиёсий кучнинг бирор бўғини бошланғич ташкилотлардек улкан имкониятларга эга эмас. Таянч тузилмалар аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан бевосита мулоқот қилиш, уларга партиявий таъсир ўтказиш имконига эга. Ҳар бир қуйи ташкилот партия электорати вакилларини бирлаштирувчи ўзига хос майдон. У сайловчилар билан партия ўртасидаги кўприкдир.

5→

Муносабат

## АГРАР СОҲА САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛАДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатиб, қатор йиллардан буён биргаликда турли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, "Келажак фермери" стипендияси ва "Ёш фермер" кўрик-танлови жорий этилгани, "Фермер аёл" лойиҳаси мунтазам ўтказилаётгани фикримиз далилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқувчи долзарб вазифалар ҳам биргаликда муҳокама қилингани биз тилга олган ҳамкорлик миқёси тобора кенгайиб бораётганининг амалдаги ифодасидир.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси Содиқжон Турдиев бошқарган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, аграр тармоқ тараққиётига алоқадор вазирлик ва идоралар, молия муассасалари, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган қишлоқ мулкдорлари бевосита иштирок этишди.

2→

## Ўзбекистон – Россия:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Кейинги йилларда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 6 миллиард доллардан ошган. Ўтган йили бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 40 фоиз ўсган.

Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёқилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг "Лукойл" ва "Газпром" нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Шу йил 19 апрель куни Бухоро вилоятида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан "Лукойл" компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидоргир. "Матиз", "Нексия" каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобили деб топилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мамлакатда янги бренд остидаги "Ravon Gentra" савдоси 7 фоиз ўсган.

Россияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон бу соҳада улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар, ташқи сиёсат, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди. Ислом Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки яқинлиги қайд этилди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифи якунига етди. Олий даражадаги мулоқотларнинг узвий давоми бўлган ушбу музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинди. Бу Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатларига хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент–Москва–Тошкент

Мунособат

# АГРАР СОҲА САЛОҲИЯТИНИ юксалтириш омиллари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада



Кун тартибидаги масала юзасидан парламент қуйи палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Эшназаров атрофлича маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги туб ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори эса бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, 2015 йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса йил давомида нархларнинг ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари имзолаган қарорга асосан мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш кўзда тутилган.

— Президентимизнинг мазкур қарори билан танишар эканман, унинг ҳар бир бандидаги вазифа бизнинг манфаатимизни кўзлаб қўйилганига амин бўлдим, - **дейди Бўка туманидаги "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги раҳбари, O'zLiDeP фаоли Саидислом Сайдуллаев.** — Масалан, фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хужалиги маҳсулотлари бозор нархларида давлат буюртмаси орқали харид қилиниши илгари бўлмаган. Бунда контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда аванс маблағлари берилиши ҳам мушкулимизни осон қилади.

Ушбу қарор орқали тижорат банкларига фермер ва деҳқон хўжаликларига мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш учун давлат буюртмаси бўйича бўнак ва якуний ҳисоб-китоблар учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада кредит ресурслари ажратиш тавсия этилгани ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг узвий давомидир. Биз учун муҳим томони шундаки, ҳар иккала қарорда белгиланган долзарб вазифалар партиямиз Сайловолди дастурига ҳамоҳанг бўлиб, электоратимизнинг салмоқли қисмини ташкил этаётган тадбиркор ва фермерлар учун кенг имкониятлар яратади.

Очиқ мулоқот ва қизғин муҳокамалар тарзида ўтган йиғилишда кўплаб мулоҳазалар ўртага ташланди. Бир сўз билан айтганда, қарорда кўрсатилган вазифалар O'zLiDeP элокторати манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантиришни таъминлайди. Бу эса ички бозорни тайёр маҳсулотлар билан тўлдириб, аграр секторнинг экспорт салоҳияти ўсишига хизмат қилади, аҳолининг катта қисми даромадларининг ошишига олиб келади.

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
"XXI asr" мухбири

# Меҳнат муҳофазаси давлат ва жамият эътиборида

**Ҳар йили 28 апрель жаҳон ҳамжамияти томонидан Меҳнатни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонланади. БМТ томонидан белгиланган бу сана инсон ҳаёт фаолияти давомида меҳнат хавфсизлигининг таъминланиши масалаларига кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш билан бирга меҳнат муҳофазаси олиб борилишида илғор ёндашувлар тадбиқ этилишига хизмат қилади.**



**Дилором ФАЙЗИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

**Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг маълумотларига кўра, бутун дунё бўйича ҳар йили меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган сабаблар боис 2 миллионга яқин кишининг вафот этиши, 160 миллионга яқин фуқаронинг касб касалликларига дучор бўлиши, дунёдаги жами ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар умумий сонининг 270 миллионга етганлиги ушбу соҳа билан боғлиқ муаммоларнинг ўта долзарблигидан дарак бермоқда.**

Дунёдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ўлимларнинг 32 фоизи радиоактив ионли материаллардан ва ультрабинафша нурлардан нурланиш орқали, асбест, кремний ва бошқа заҳарли моддалар таъсирида ишлаш, радон, дизель двигателлари чиқинди газлари ва бошқа канцероген чанглар чиқадиган жойларда меҳнат қилиш жараёнида пайдо бўладиган саратон касалликлари сабабли юзага келади. Нормаланмаган иш вақти, кечки сменада ишлаш ва иш вақтининг узоқ давом этиши, ходимга бўлган кучли талаб, қатъий тартибдаги иш жадвали, юқори стресс ва қон босимининг ошиб кетиши оқибатидаги ўлим ҳолатлари 23 фоиз бўлса, корхона ва ташкилотларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасининг ташкил қилинмаганлиги, ушбу соҳадаги маданият шаклланмаганлиги ва ишчининг саломатлигини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланмаганлиги сабаб ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли юзага келувчи ўлимлар даражаси 19 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, иш жойларида истеъмол қилинаётган ичимлик суви сифатининг пастлиги, канализациянинг йўқлиги, санитар-гигиена ҳолатининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги натижасида юзага келувчи юқумли ва паразитар касалликлар натижасидаги ўлимлар 17 фоизни ташкил қилади.

Меҳнат хавфсизлиги борасида фаолият юритувчи халқаро ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатлари ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг меҳнат қонунчилигига назар ташласак, сўнгги йиллар давомида соҳага тегишли қатор янги талаблар, нормалар ва стандартлар киритилганлигини кўрамиз. Шулар қаторида корхона ва ташкилотларда меҳнат хавфсизлиги бошқарувини олиб боришда меҳнат муҳофазаси бўйича аудит дастурларининг амалга оширилиши, давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари ва ҳуқуқларининг аниқ белгиланганлиги ҳамда ушбу соҳада назоратнинг кучайтирилганлиги кўпгина давлатларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш тизимидан жой олганлиги, айрим ривожланган давлатларнинг қонунчилигида ёшлар ва ёши катта ишчи ходимлар учун меҳнат хавфсизлиги борасида алоҳида-алоҳида қоидалар киритилганлиги ҳам соҳадаги янги ёндашувлардан далолат бермоқда.

Халқаро ҳуқуқий талабларга мувофиқ, мазкур соҳага тегишли қонунчиликда меҳнат муҳофазаси ҳолатини назорат қилиш органларининг фаолиятини ташкил этиш, айниқса, уларнинг моддий-техника таъминотини яхшилашга оид ишларнинг молиялаштирилиши ва амалга оширилиши масалаларининг ҳал этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўпгина давлатларнинг қонунчилигида меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширилишини молиялаштиришда бюджет маблағларини ажратиш билан кифояланмасдан, меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни бузган корхона ва мансабдор шахсларга қўлланилган жарималар ҳамда алоҳида тузилган шартномалардан тушган маблағларни ҳам йўналтириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрири замонавий бозор иқтисодиётининг талабларига ва мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий мулкчиликни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш тамойилларига мос келишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Сўнгги йигирма йиллик тараққиётимиз давомида қабул қилинган қатор янги қонун ҳужжатлари, жумладан, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Саноат хавфсизлиги тўғрисида"-ги, "Радиация хавфсизлиги", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрирда), "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилинганлиги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунни ҳам такомиллаштирилишига асос бўлди.

Янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги" Қонуннинг ишлаб чиқилиши билан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий асосларнинг янада такомиллашуви, республика, тармоқ ва ҳудудлар миқёсида меҳнатни муҳофаза қилишни тўғри ташкил қилишни таъминланиши, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажаришга иш берувчи билан бирга ходимнинг ҳам масъулиятини оширилиши учун кучли ҳуқуқий асос яратилади.

Маълумки, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин эгаллаб, нафақат бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, фуқаролар даромадлари ва фаровонлигини ошиб боришининг асосий манбаи, балки иш берувчи сифатида аҳоли бандлигини таъминловчи энг муҳим омилга айланган. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирларни тўғри ташкил қилиниши иш берувчининг, хусусан, тадбиркорнинг ҳам манфаатдорлигини ошириш билан бирга касб касалликларининг ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиниши ва камайтирилишига, ходимларнинг меҳнат фаолияти хавфсизлигининг таъминланишига ва уларнинг саломатлигининг мустаҳкамланишига йўналтирилган. Пировардида, буларнинг барчаси партиямиз Сайловолди дастурида кўзланган мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган мақсад ва вазифаларимизнинг амалга ошишига хизмат қилади.

# ЭЛ МАЪМУРЛИГИ ЙЎЛИДА

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
"XXI asr" мухбири

**Партиямиз фаоллари томонидан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида ташкил этилган навбатдаги тадбир Президентимизнинг "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳиятини электорат вакилларига тушунтиришга бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, тадбиркор ва фермерлар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари ва ишбилармон ёшлар иштирок этишди.**



O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев долзарб мавзудаги мулоқотни очар экан, мазкур қарор қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлишини, мева-сабзавот, боғдорчилик, узумчилик тармоқлари, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани пировардида эл дастурхонини тўкин этишдек устувор вазифа мужассам эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Рустам Қобулов. — Ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида янги фермер хўжаликлари ташкил этилаётганлиги боис аҳоли бандлиги ва фаровонлиги ортиб бораётир. Айниқса, фермер хўжалигини юритиш учун ер майдонлари ажратиш ва тақсимлашнинг янги механизми жорий этилиб, бу ҳақдаги қарорни туман ҳокими эмас, балки Фермерлар кенгаши ва Ер участкалари тақдим этиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси асосида халқ депутатлари туман кенгашлари қабул қилиши белгилаб қўйилганлиги фермерликни ривожлантиришга муҳим қадам бўлди. Давлат инвестиция дастурларига кўра амалга ошириладиган лойиҳалар, янги ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарида йилига қўшимча равишда 100 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, 130 хилдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъи назар, 2019 йилнинг 1 январигача замонавий ускуна ва технология олиб киришда божхона тўловларидан озод этилади. Солиқ ва божхона имтиёзларининг берилиши мазкур субъектларнинг бўшаган маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш, пировардида бандликни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса партиямизнинг дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир.

Тадбирда Қарши туманидаги "Нормўмин бобо" фермер хўжалиги раҳбари Панжи Гелдиев, O`zLiDeP Муборак туман Кенгаши раиси Панжи Жалилов ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур қарор мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш, партия электорати бўлмиш деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда муҳим асос бўлишини таъкидладилар.

— Бу қарор ўз вақтида қабул қилинганлиги билан аҳамиятлидир, — дейди "Ал Саид" компанияси раиси, таниқли тадбиркор Маҳмуд Сайдалиев. — Воҳамизда биринчилардан бўлиб сабзавотни қайта ишлаш технологиясини олиб келиб, тайёр маҳсулотни хорижга экспорт қилишни йўлга қўйганмиз. Эндиликда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун хорижий компанияларнинг фаол иштирокида халқаро мева-сабзавот ярмаркаларини ўтказилиши белгиланиши биз тадбиркорлар учун хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатиш, жаҳон бозорига янада кенгроқ кириб боришимизга имконият яратади.

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ МЕЗОНИ

**Фармон АМИНОВ,**
*O'zLiDeP Бухоро вилояти Кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари*

O'zLiDePнинг дастурий мақсадлари, Сайловолди платформасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукумат ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорларининг ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, тегишли корхона-ташкилотлар ва мансабдор шахсларга фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш юзасидан сўровлар билан чиқиш, уларнинг ҳисоботларини эшитиш, маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиш ва депутатлик назоратини олиб боришдек масъулиятли вазифага Халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Депутатлик гуруҳлари ўз ишини, энг аввало, электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тўғри ташкил этаётгани ютуқлар омили бўлаяпти. Ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шаҳар ва туманлар инфратузилмасини яхшилаш, таълим муассасаларини жорий ва қайта таъмирлаш бўйича партия депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий кенгашларга 2015 ва 2016 йилнинг ўтган даврида жами 62 та таклиф киритилди, корхона-ташкилотлар раҳбарларига 318 та сўров юборилиб, 151 та назорат-таҳлил тадбири амалга оширилди.

Вилоятда мулкдорлар қатламининг янада мустаҳкамланиши, соҳа ходимларининг эркин фаолият юритиши O'zLiDeP депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги 60 нафар депутатдан 20 нафари, маҳаллий кенгашлардаги 361 нафар депутатдан 144 нафари O'zLiDePдан сайланганлиги бу борадаги масъулиятни янада ошириши табиий.

2015 йилда озиқ-овқат саноати соҳасидаги инвестиция лойиҳалари, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурига асосан ташкил этилиши режалаштирилган субъектларда интенсив боғ, янги токзорлар, сервис хизматлари ва қайта ишлашни йўлга қўйишга доир вазифалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назорати олиб борилди. Бунда депутатларимизнинг ҳар бир лойиҳага бириктириб қўйилиши ўзининг амалий самарасини берди. Масалан, Тоҳир Баҳронов боғ-токзор, Жасурбек Болтаев сабзавотчилик, Улуғбек Муҳаммедхонов сервис хизмати, Жамшид Қандов маҳсулотларни қайта ишлаш, Санам Жумаева иссиқхона, Иноят Нарзиев совутгич барпо этиш, Ўлмас Раҳматов қорамолчилик, Саид Раҳмонов паррандачилик, Бозор Норов балиқчилик, Замира Сафарова асаларичилик йўналишларидаги лойиҳаларни ўз вақтида бажарилиши бўйича изчил назорат олиб боришди.

Кези келганда, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий кенгашлар сессияларига киритилган таклифлар атрофлича муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганини қайд этиш ўринлидир. Жумладан, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўтган йил июнь ойида ўтказилган навбатдаги сессиясида партия депутатлик гуруҳи таклифига асосан "Вилоятда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги бўйича манзилли дастурда белгиланган параметрлар бажарилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Жорий йилнинг февраль ойидаги сессияда эса O'zLiDeP депутатлик гуруҳи то-



монидан илгари сурилган "Хусусий клиникалар ва фармацевтика воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳолати" кенг муҳокама этилиб, аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида "Бухоро электр тармоқлари" акционерлик жамияти раҳбари Р.Маматовнинг ҳисоботи эшитилди. Унда Президентимизнинг 2015 йил 5 майдаги "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида энергия сарфини камайтириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан вилоят миқёсида олиб борилаётган ишлар, шу жумладан, электр таъминотидаги айрим камчиликлар хусусида сўз юритилди. Депутатлик гуруҳи йиғилиши қарорига кўра, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига партия депутатлик гуруҳининг айни масала юзасидан тайёрланган таклифларини киритиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Жумладан, тежамкор лампаларнинг ижобий томонлари ҳамда уларни утилизация қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлиги, жойларда электр энергияси таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш мақсадида Давлат ва ҳудудий дастурлардаги тегишли тадбирлар бажарилиши устидан депутатлик назоратини кучайтириш, чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда вилоятда қуёш батареяларини ишлаб чиқарадиган завод қуриш ва ушбу масала бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясига мурожаат этиш сингари таклифлар шулар жумласидандир.

Партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг бугунги кундаги асосий вазифаси Президентимизнинг O'zLiDeP VII Съезди, Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлиси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунлари ва 2016 йилнинг устувор вазифалари муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида белгилаб берилган энг муҳим йўналишлардан келиб чиққан ҳолда партиявий фаолиятни янги босқичга кўтариш, айниқса, вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари ишини давр талаблари даражасида такомиллаштиришдан иборатдир. Токи, депутатлик гуруҳларининг юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги иштироки янада кучайтирилиб, O'zLiDePнинг жамиятимиздаги ўрни ва роли тобора мустаҳкамлансин.

## ҲАР ОЙНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИСИДА...

**Ўлмас РАҲМАТОВ,**
*O'zLiDeP Бухоро туман Кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари*

Депутатлик гуруҳимиз аъзолари фуқаролар томонидан илгари суриладиган ҳар бир масалага ҳозиржавоблик билан ёндашиб, хайрихоҳларимиз ишончини қозонишмоқда. Фаоллар саъй-ҳаракати билан ҳар ойнинг 14-санасида туман ҳокимлиги ва "Қавола Маҳмуд" қишлоқ фуқаролар йиғинида жамоатчилик қабули ташкил этилаяпти. Мақсад — электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан, тадбиркор ва фермерлар учун муносиб шароитларни яратиб беришдан иборатдир. Табиийки, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари ҳам депутатлик гуруҳининг доимий эътиборида. Биргина 2015 ва 2016 йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг 300 дан ортиқ ана шундай мурожаатлари кўриб чиқилди. Қурилиш-ободончилик, қишлоқ хўжалиги, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, ижтимоий ва бошқа масалаларга оид мурожаатларнинг аксарияти депутатлик сўровлари орқали ижобий ҳал этилди.

Кейинги йиллар давомида туман "Сувоқава" ишлаб чиқариш бўлими, Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими, "Қишлоққурилишбанк", Халқ банки, "Агробанк"нинг филиаллари, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлими, "Ғарбгазтаъминот" УК ва бошқа корхона-ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимликка ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилишида кўмаклашиш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, жойларда янги иш ўринлари яратиш сингари масалалар юзасидан депутатлик сўровлари амалга оширилиб, аниқ натижаларга эришилмоқда.

Депутатлик гуруҳи аъзоларининг ўз сайловчилари билан юзма-юз мулоқотлари чоғида ҳам асосий эътибор ечимини кутиб қолган муаммоларга қаратиляпти. Маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳамкорликдаги изчил фаолият самараси ўлароқ аҳолига маданий-маиший, коммунал, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга тўсқинлик қилаётган камчилик ва нуқсонларга барҳам берилмоқда.

Депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан алоқадор ташкилот ва муассасаларнинг масъул ходимлари иштирокида меҳнат жамоаларида ўтказиб келинаётган давра суҳбатларида эса оилавий бизнесни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, касб–ҳунар коллежлари битирувчилари учун шароит яратиш юзасидан ҳудудда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилмоқда.

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТАЪСИРЧАН КУЧ

**Замира САФАРОВА,**
*Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, "Ғиждувон Машхураси" хусусий корхонаси раҳбари*

Маҳаллий кенгашларга O'zLiDePдан сайланган депутатлар зиммасига жуда катта масъулият юкланганлиги табиий. Депутатларимиз томонидан бу каби жавобгарлик тўғри англаб етилганлиги боис жойларда кутилган самара ва натижаларга эришиляпти. Модомики, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш орқали O'zLiDePнинг кенг жамоатчилик орасида ўз нуфузини ошириш имкониятлари янада кенгаймоқда.

Фикримизга биргина мисол тариқасида депутатлар саъй-ҳаракати билан 47-Ғиришкент сайлов округи ҳудудидаги 30 га яқин хусусий ташкилот, корхона ва фермер хўжаликларида 150 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилганини айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек, депутатлик сўровларига кўра, Ғиришкент ҚФЙ ҳудудидаги хонадонларга сифатли алоқа хизмати кўрсатилишига муваффақ бўлинди. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш бўйича амалга ошириладиган янги инвестиция лойиҳалари ижроси доирасида депутатлик назорати тобора кучайтирилмоқда. Бугунги кунда сайлов округи ҳудудида истиқомат қилувчи 4 минг нафарга яқин аҳоли ўз томорқа хўжаликларида турли экинлар, асосан сабзавот ва картошка етиштирмоқда. Шу йўл билан эл дастурхони тўкинлиги таъминланиб, оилаларнинг даромадлари ошишига муваффақ бўлинаяпти.

Инвестиция лойиҳаларига биноан вилоятдаги 117 та фермер хўжалигида 2920 та асалари оиласини ташкил этиш, 49 тонна сифатли асал етиштириш, жойларда 240 тага яқин янги иш ўринлари яратишга кўмаклашилдики, бу ҳам маҳаллий кенгашлар депутатлари фаолияти вақт ўтган сайин янгича мазмун–моҳият касб этаётганини исботлайди. Масалан, кейинги пайтда биргина "Ғиждувон автоустози" ўқув корхонасида 25 та иш ўрни яратилди. Бир сўз билан айтганда, партиявий воситалар ёрдамида депутатлик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан кучи самара бераяпти.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги вакилларимиздан 18 нафари маҳаллий кенгашлардаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бораётгани ҳам ўзини тўла оқлаяпти. Айни пайтда Ғиждувон шаҳар ва туман кенгашлари депутатларидан 13 нафари ҳудуддаги 43 та БПТга бириктирилгани белгиланган партиявий вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда. Туман кенгаши депутатларидан Олим Бозоров, Ҳусниддин Сайфиев, Олимжон Умаров ва Жамшид Мансуровларнинг сиёсий фаоллиги, жонкуярлиги туфайли Позагари, Ғовшун ҚФЙлари, "Зафаробод" шаҳарча фуқаролар йиғини, "Чорсу", "Мазгарин" МФЙлари, "Файз" фермер хўжалиги, "Ғиждувон пахта тозалаш заводи" АЖ, туман марказий маслаҳат поликлиникаси, "Техникасервис" МЧЖ, O'zLiDeP туман Кенгаши қошидаги БПТлар фаолиятида аниқ натижаларга эришилаяпти.

## АЁЛЛАРСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШ МУШКУЛ

**Раъно РАҲИМОВА,**
*O'zLiDeP Жондор туман Кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси*

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни тиниб-тинчимас хотин-қизларсиз тасаввур этиш қийин. Зеро, 2016 йилнинг Президентимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили " деб эълон қилинганлиги аёллар ва уларнинг фарзандлари мустақил Ватанимиз ардоғида ва эъзозида эканлигининг навбатдаги ёрқин ифодасидир. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат ва ҳудудий дастурлардаги устувор вазифалар билан танишган ҳар бир аёлнинг қалби чексиз фахр-ифтихор туйғулари билан тўлди.

Жондор туманида ҳам оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланганки, уларни амалга ошириш аллақачон бошлаб юборилган. Масалан, ҳудудий дастур бўйича туманда истиқомат қилувчи никоҳдан ўтадиган шахсларни ихтиёрий тиббий кўрикдан ўтказишга 57,6 млн. сўм ажратиш белгиланган. Болалар спортини ривожлантириш масаласи ҳам доимий эътиборда. 30-умумтаълим мактабида қўшимча спорт зали барпо этиш учун 76,9 млн. сўм сарфлаш кўзда тутилган. Жорий йил давомида қуриладиган бир қатор маданий-маиший объектлар, сервис ва бошқа бир қатор хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам жондорликлар, шу жумладан, аёллар турмуш шароитини яхшилашга ижобий таъсир ўтказиши турган гап.

Туманимизда 1216 нафар O'zLiDeP аъзоси фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг 826 нафари аёллардир. Ҳудудий дастур ижросида партия аъзоси бўлган фаол аёлларнинг, шу жумладан, депутат хотин-қизларнинг ҳам ўз ўрни ва муносиб ҳиссаси бор. Масалан, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Латофат Беҳбудова фаолиятида партиявий ишнинг депутатлик сўрови амалиётидан кенг фойдаланилмоқда. 14-Навработ сайлов округидаги хонадонларда 3 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Турли ёшдаги кишиларнинг иш билан таъминлашни сўраб қилаётган мурожаатлари депутат аёл эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Кейинги пайтда Мустақиллик, Дармон ва бошқа ҚФЙлар аҳолисидан тушган мурожаатларга биноан 100 га яқин киши ишга жойлаштирилди.

**2016 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИДА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 278 388 НАФАР O'ZLIDEP АЪЗОСИНИ БИРЛАШТИРГАН 9680 ТА БПТ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРГАН БЎЛСА, АНА ШУ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРНИНГ 575 ТАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ СОНИ ҲУДУДДА АЙНИ ПАЙТДА 13 113 КИШИГА ЕТДИ.**

## ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ОРҚАЛИ ЕЧИМ ТОПИЛДИ

**Тоҳир БАҲРОНОВ,**
*Олий Мажлис Сенати аъзоси, Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси*

O'zLiDeP вилоят Кенгаши томонидан депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ мулкдорларининг бошқарув органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш идоралари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга катта эътибор берилаяпти. "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунининг мазмун-моҳиятини электорат вакилларига кенг тушунтириш кундалик юмушларимиздан бирига айланган.

Кейинги пайтда бутун мамлакатимизда бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам мулкдорлар ва хусусий тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, кичик бизнес субъектларини "Ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатадиган марказлар орқали ташкил этишни соддалаштириш бўйича туркум норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши муносабати билан белгиланган чора-тадбирлар натижасида соҳа ходимлари фаолиятида туб ижобий ўзгаришлар рўй бераётир.

Бугун вилоятда 11 338 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатаётгани, уларнинг 1348 тасини O'zLiDeP аъзолари бошқараётгани, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларнинг 1515 нафари партиямиз вакиллари экани зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Шунинг учун ҳам маслакдошлар иштирокида ўтказилаётган давра суҳбатлари ва семинарларда юқорида тилга олиб ўтилган ҳужжатларнинг хусусий секторни тараққий эттиришдаги аҳамияти хусусида сўз юритилаяпти. "Мулкдор оила" сингари партиявий лойиҳаларнинг фаол иштирокчилари муносиб равишда рағбатлантириб борилмоқда.

Вилоятдаги 20 дан ортиқ фермер хўжаликлари раисларининг маҳаллий кенгашлар депутатлари сифатида иш юритиб келаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Хусусан, Қоракўл, Пешку, Бухоро, Вобкент туманларида фаолият кўрсатаётган "Ҳосилдор", "Сардор Сарбон", "Расулбобо", "Ҳусен Болта замини" фермер хўжаликларига раҳбарлик қилиб келаётган Завқи Болтаев, Ўткир Элов, Равшан Ҳамроев, Толиб Ҳусеновлар айни чоғда маҳаллий кенгашлардаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳларининг аъзоларидир. Мен Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида фаолиятимиз энг муҳим институт бўлган назорат-таҳлил тадбирларини талаб даражасида олиб боришга доимий равишда жиддий диққат-эътибор қаратаман. Жорий йилнинг ўзида 10 та ана шундай тадбир ўтказилди. 1-Дўстлик сайлов округи сайловчилари билан уюштирилган учрашувларда ёзма ва оғзаки мурожаатлар орқали илгари сурилган муаммоли масалалар мансабдор шахсларга депутатлик сўровлари юбориш орқали ижобий ҳал этилмоқда. Ўтган давр мобайнида тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарларига 40 дан ортиқ ана шундай сўровлар юборилгани фикримиз далилидир. Масалан, Бухоро шаҳар ҳокими номига йўлланган депутатлик сўровида вилоят марказидаги Темирйўлчилар кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли номидан тушган аризани ижобий ҳал этишда кўмаклашиш қайд этилганди. Гап шундаки, бу мурожаатда аҳоли хонадонларига жуда яқин ҳудудда қурилиши режалаштирилган пластмасса чиқиндиларини қайта ишлаш цехи турли ёшдаги кишилар, айниқса, аёллар ва болалар соғлиғига жиддий зарар етказилиши таъкидланган. Депутатлик сўрови юзасидан амалий ишлар олиб борилганлиги туфайли бу масала ўз ечимини топди.

## ҲАММАСИ ИЖРОГА БОҒЛИҚ

**Жасурбек БОЛТАЕВ**
*Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси*

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг ҳаётга тадбиқ этилиши халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари фаолиятини ҳам давр талаб даражасида йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Бинобарин, депутатлик гуруҳлари партиянинг дастурий мақсадларини жойларда рўёбга чиқаришда асосий бўғинга айланмоғи лозим. Президентимизнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор вазифамиздир" номли маърузасида таъкидланганидек, партия депутатлик гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги аниқ вазифаларни ҳал этиш ишларига ўз таъсирини ўтказиши зарурлиги эндиликда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни, демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг қонунлар, фармон ва қарорлар ижроси устидан самарали назоратини амалга оширишдаги роли ва масъулияти тобора ортиб бораяпти.

Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунига киритилган ўзгартишлар халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини, керак бўлса, таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизм сифатида эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. Демак, бугунги кунда партия депутатлик гуруҳлари ҳудудларда жамиятнинг муҳим институтларидан бири саналади. Депутатлик гуруҳларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш эса биз - депутатлар ва партия фаолларига бевосита боғлиқлиги ўз-ўзидан аён.

Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловдан кейинги ўтган давр мобайнида вилоят кенгаши доимий комиссиялари ва сессиялар муҳокамасига 5 та масала киритилган бўлса-да, бу борадаги фаолиятни талаб даражасида, деб айтиш мушкул. Шу боис депутатлик гуруҳининг 2016 йил учун тузилган режасида, энг аввало, O'zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим бўлган партиявий ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Амалдаги қонунлар, фармон ва қарорлар ижросининг ҳолатини чуқур ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳам шу режада ўз ифодасини топган.

Тўғри, депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилган масала Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритилиб, муҳокама этилганидан сўнг кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинмоқда. Лекин сессия қарорлари ижроси бўйича мониторинг юритилмаяпти. Бу эса депутатлик гуруҳи фаолиятининг натижадорлигига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Фикримча, депутатлик гуруҳи фаолиятига юқорида баён этилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ёндашилса, гуруҳ ишида кутилган самарага эришилади.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

***"Йил депутати" танлови партия ҳаётида муҳим воқеа бўлганлигини алоҳида қайд этиш жоиздир. Буни таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, айнан бухоролик депутат танловда биринчи ўринга сазовор бўлган эди. Дарҳақиқат, 2015 йилда Халқ депутатлари Бухоро вилоят, шунингдек, туман ва шаҳар Кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари партия Сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни бажаришда ибратли ишларни амалга оширдилар.***

***Партиявий органлар ва депутатлар фаолиятини ташкил этишга доир республика кўргазмали семинари ҳам айнан Бухоро вилоятида ўтказилганлиги бежиз эмас, албатта. Лекин, депутатлик гуруҳлари аъзоларига партиямиз нашрида ўз фикрларини баён этишга имконият яратилган экан, бундан электорат манфаатларини ифода этадиган қонунлар ижроси устидан депутатлик назоратини олиб боришда ўз фаолиятига принципиал жиҳатдан танқидий баҳо бериш, бир сўз билан айтганда, икки қадам олдинроқда юрган ҳолда яқин ва узоқ истиқболдаги вазифалар ҳақида гапириш ҳамда уларни амалга оширишнинг энг мақбул йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириш учун фойдаланиш керак, назаримизда.***

***Шундай экан, биз бухоролик сафдошларимиз фаолликни янада ошириши даркор, дейишга ҳақлимиз.***

*Саҳифа материалларини*
*"XXI asr" мухбири Асхор ИСТАМОВ тайёрлади*

# ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

*ПАРТИЯ ДАСТУРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШГА ЧОРЛАЙДИ*

**Мамлакатимизда етакчи сиёсий куч, салоҳиятли ижтимоий қатлам сифатида шаклланган O'zLiDeP тузилмаларида бугун қандай жараёнлар кечмоқда, жойларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган вилоят, туман Кенгашлари раиси ва ўринбосарларининг либерал-демократик ғояларни ҳаётга кенг татбиқ этиш йўлидаги хизматлари эътироф этишга арзийдими? Улар ўз зиммасидаги масъулиятни ҳис қилиб ишлаяптими? Сайловлардан кейин, орадан ўтган шунча вақт давомида қандай янги ғоялар, ташаббуслар билан партия равнақи йўлида, пировардида, жамиятимизда либерал-демократик ғояларни кенг тарғиб қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

Эътироф этиш керакки, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси, ҳаётбахш лойиҳалар юзасидан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар – алоҳида мавзу. Таъбир жоиз бўлса, бундай анжуманлар асосий ишларнинг йўриқномаси, бош мақсад йўлидаги дастуриламалдир. Мақсад эса аён – бугун жамиятимизнинг илғор, авангард қатлами бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерларни партия атрофида жипслаштириб, буюк келажак йўлидаги режа-мақсадларни рўёбга чиқариш сари дадил бошлаш. Бу гапларнинг моҳиятига эътибор қилсангиз, аввало инсон омили билан ҳисоблашиш эҳтиёжи борлиги сезилади. Чунки, инсон ҳамиша ва ҳар қандай дамда инсондир. У билан муомала қилаётганда, умумий мақсадлар йўлида ҳаракат қилаётганда манфаатлар мувозанатига эътибор бериш керак.

Шу маънода, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан ўтказилаётган тадбирлар партиямизнинг ҳудудий бўлимларидаги қайноқ ҳаётдан, ишлар манзарасидан бир лавҳа, холос. Бунда ўша ҳудудий кенгашнинг ўзи бевосита қандай ҳаракат қилди, улар партиямизнинг юқори тузилмаси томонидан берилган топшириқлардан ташқари, ташаббус билан чиқаяптими, деган саволлар туғилади. Бу саволларнинг жавоби ўша ҳудудий кенгашнинг фаолиятига берилган аниқ бир баҳо, холис назар бўлади.

Партиямиз Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан барча вилоятларда айни масала юзасидан йиғилиш ўтказилди. Унда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган вилоят, туман Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари фаолияти танқидий-таҳлилий руҳда ўрганилиб, тегишли кўрсатмалар, тавсия ва таклифлар билдирилди. Вилоят Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, вилоят Кенгаши Ижроия аппарати ходимлари, партия туман (шаҳар) Кенгашлари раислари ва жамоатчилик асосидаги ўринбосарлари билан ўтказилган мулоқотларда партиямизнинг Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзолари, марказий аппарат масъуллари қатнашди.

Андижон вилоятида ўтказилган ана шундай йиғилишда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев иштирок этди. Кўтаринки руҳда жонли мулоқот ва суҳбат шаклида ўтган мазкур йиғилишда партиямиз вакиллари олдида турган долзарб вазифаларнинг ижроси борасида катта масъулият, ишонч айнан жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган ҳудудий кенгашлар раислари ва унинг ўринбосарлари зиммасида экани таъкидланди. Партия дастурининг ижроси бўйича жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган раҳбар-ходимларнинг масъулияти кучайтирилди. Андижондан бошланган бу ҳаракат кейинчалик партиямизнинг бошқа вилоятларидаги Кенгашлари учун ҳам ўзига хос дастур, йўриқнома вазифасини ўтади. Хусусан, Қашқадарё, Фарғона, Сирдарё, Самарқанд каби вилоятларда ўтган йиғилишларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг хизмат тақсимотининг бажарилиши партия юқори тузилмаси томонидан мунтазам назорат қилиб бориш хусусида сўз юритилди.

Эътиборлиси, мулоқотлар давомида иштирокчиларнинг ўзлари томонидан мавжуд муаммоларга ёндашув, келгуси фаолиятга доир конструктив мулоҳазаларни билдирилди. Масалан, Наманганда ўтган йиғилиш давомида O'zLiDeP Учқўрғон туман Кенгаши раиси Д.Эсонбаева сўз олиб, туманда олиб бораётган ишлари тўғрисида тўхталар экан, жамоатчилик асосида ишлаётган раис ва ўринбосарларнинг фаолиятини кучайтириш учун ҳар чоракда бир марта махсус йиғилиш ўтказиш зарурати борлигини таъкидлади.

Сурхондарё вилоятида ўтган йиғилишда БПТ ларнинг сифат ва сон жиҳатидан юксалтириш ва бу жараёнда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган раис ва ўринбосарлар иштирокини, аниқ амалий ҳаракатини таъминлаш масаласига эътибор қаратилди. Агар рақамларга эътибор қаратилса, жорий йил охирига қадар Ангор туманида 20 та, Қизириқ туманида 25 та, Денов туманида 20 та, Шеробод туманида 30 та, Қумқурғон туманида 20 та, Бойсун туманида 30 та, Шўрчи туманида 30 та бошланғич партия ташкилотларини очиш режалаштирилмоқда. Энг муҳими, қуйи бўғин фаолиятини самарали ташкил этиш учун ундан кейинги бўғин, айтайлик, туман, вилоят Кенгашида ишлар намунали бўлиши, барчаси режа асосида кетиши керак, дея таъкидланди йиғилиш давомида. Шундагина партия сафига кирган ишчи, хизматчи, тадбиркорнинг ишончи барқарор бўлади, чинакам сафдошлари билан эканини чин қалбдан англайди.

Партия – катта куч, таъбир жоиз бўлса, маслакдошларнинг улкан оиласи. Модомики, бир оила истиқболи йўлида сиёсий куч сифатида бирикиб, алоҳида электорат сифатида шаклланган эканмиз, мавжуд имкониятларни ишга солишимиз, партия уставида кўрсатилган вазифалар ижроси бўйича оғишмай ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Ўтган йиғилишларнинг бош хулосаси, сабоғи ана шу. Бугун партия сафида бўлган ёки унинг тузилмаларида хизмат қилаётган минглаб юртдошларимиз асли касбу кори, фаолият соҳасидан қатъи назар, умумий мақсад, моҳият йўлида хизмат қилишмоқда. Бу – етакчилик масъулиятини оқлаш, аҳоли ўртасида либерал-демократик ғояларни кенг тарғиб этиш, манфаатлар мувозанатига асосланган жамият барпо этишга ўз улушимизни қўшишдир.

**Беҳзод ЎРМОНЖОН ўғли**

---

Гулистон шаҳрида O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан "Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида тадбир ўтказилди. Унда маҳаллий кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар, катта ҳаёт мактабини ўтаган нуронийлар ва талабалар иштирок этди. Мақсад ёшларни яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, глобаллашув даврида ёт иллатларга қарши курашишда маънавий иммунитет ҳосил қилиш, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишга астойдил интилишга чорлашдан иборат бўлди.

**Дилноза НАМОЗОВА,**
"XXI asr" мухбири

# ВАТАН КЕЛАЖАГИ – МЕНИНГ КЕЛАЖАГИМ!

– Фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишда барчанинг бирдек масъуллигини унутмаслигимз лозим, – **дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шоҳиста Бозорбоева.** – Модомики, ҳар бир ёш эртага ким бўлишини, элига қанчалик нафи тегишини ўйлаб, эзгу мақсад сари олға қадам ташлаши зарур.

Тадбир давомида O'zLiDeP "Ёшлар қаноти" томонидан амалга оширилаётган партиявий лойиҳаларнинг аҳамияти, бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредит олиш йўл-йўриқлари хусусида батафсил маълумот берилди.

– Фанларни чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилаётган тенгдошларим "Эртага ким бўламан, қандай янги марраларни эгаллайман?" деган савол атрофида кенг мулоҳаза юритиши, келажакда ўзининг амалий ишлари билан шунга жавоб топиши юрт олдидаги бурчидир, – дейди Гулистон шаҳридаги 1-академик лицей талабаси Фаёзбек Эшбеков.

***

O'zLiDeP Боёвут туман Кенгаши томонидан "Диплом билан – бизнесга" лойиҳаси доирасида семинар-тренинг ўтказилди. Унда ёшларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий-ҳуқуқий шароит яратиш, битирувчи йигит-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва имтиёзли кредит олиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

– Ўқув-семинардан кўзланган мақсад ёшларнинг илғор ғояларини ҳаётга татбиқ этиш орқали уларни қўллаб-қувватлашдан иборат, – **дейди O`zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Кенжаев.** – Бугун туманда истиқомат қилувчиларнинг 6 минг 424 нафардан зиёдини ёшлар ташкил этади. Уларнинг минг нафарга яқини O`zLiDeP фаолларидир. Ўтган йилда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган йигит-қизларга тижорат банклари томонидан 458 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

– Мен "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасида иштирок этиб, банкдан 3,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритдим, — дейди Зуҳра Қўлдошева. – O'zLiDeP томонидан ташкил этилган тадбирларда фаол қатнашиб, ўзимга бўлган ишончим янада ортди.

Давра суҳбати давомида мутасадди ташкилот вакиллари томонидан тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланмоқчи бўлган битирувчиларга бизнес режаларни тузиш, белгиланган тартибда давлат идораларидан рўйхатдан ўтиш, кредит ажратиш, солиқ тўловлари бўйича енгилликлар яратиш, тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятида учрайдиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

# ФАОЛ – ТАШАББУСКОР

O'zLiDeP
Қорақалпоғистон
Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

**O'zLiDePнинг "Диплом билан – бизнесга" лойиҳаси доирасида Тўрткўл, Мўйноқ, Қўнғирот, Қонликўл ва Хўжайли туманларида ўқув-семинарлар бўлиб ўтди. Партия ходимлари, мутасадди ташкилот вакиллари, касб-ҳунар коллежи битирувчилари иштирок этган ушбу тадбирларда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кичик бизнес ва фермерликка бўлган қизиқишларини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билим ва кўникмаларини янада ошириш каби масалалар муҳокама этилди.**

– Истиқлол йилларида ёшларни ҳар томонлама етук инсон этиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, – дейди O'zLiDeP Хўжайли туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Отабек Қиличов. – Ёшларимиз орасида ўз дунёқараши билан тенгқурларига ўрнак бўлаётган, ташаббускор, тадбиркор йигит-қизларимиз сафининг кенгайиб бораётгани сўзимиз исботидир. Партиявий лойиҳаларимиз ёш авлоднинг жамиятда ўз ўрнини топишига, истеъдод ва интилишларини қўллаб-қувватлашга ёрдам бераяпти, қолаверса, улар орасидан қобилият эгаларини аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ҳаётга татбиқ этилиши, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашда долзарб ўрин тутмоқда.

Семинарлар давомида O'zLiDeP томонидан инновацион ғоя эгаларини қўллаб-қувватлаш, келажакда тадбиркор ва фермер бўлиш орзусида юрган йигит-қизларга амалий кўмак бериш, янги таҳрирда қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти, солиқ ва банк тизими соҳасида учрайдиган муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқлари хусусида батафсил ахборот берилди.

– Ўтган йили "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасида ғолиб чиқиб, банкдан имтиёзли кредит олишга муяссар бўлдим, – дейди Хўжайли туманида истиқомат қилувчи ёш тадбиркор Курбонбой Бекниязов. – Айни пайтда етти хазинанинг бири бўлган балиқчилик билан шуғулланаяпман. Эндиги мақсадим – кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил этиш.

# КЎППАРТИЯВИЙЛИК ВА МУНОЗАРА МАДАНИЯТИ

**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
"XXI asr" мухбири

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2014 ЙИЛ 6 ФЕВРАЛДАГИ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИНИ ЯНАДА КЕНГРОҚ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА "ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДА O'ZLIDEPНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ" МАВЗУИДА АМАЛИЙ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ.



Тадбир давомида ёшларга оид қонун лойиҳалари ишлаб чиқилаётганда уларнинг ўзидан таклифлар олиш тизимини шакллантириш ва қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш жараёнига ҳам фаол жалб этиш, навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳияти юксалишига партиявий воситалар билан кўмаклашиш масалалари хусусида ўзаро фикр алмашилди.

— Мазкур давра суҳбатини талабалар ҳузурига келиб, айнан уларнинг турар жойида ташкил қилганимиз бежиз эмас, **— дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Мастура Хаитова.** — Зеро, партиямизнинг Сайловолди платформасида энг муҳим вазифалардан бири сифатида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, касбий, ижодий ва хизмат поғоналаридан ўсиши учун имкониятлар яратиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш борасида тизимли ишларни амалга оширишда таъсирчан воситалардан фойдаланиш белгилаб қўйилган. Бу борада расмиятчиликдан воз кечган ҳолда ёшларнинг кундалик ҳаётини чуқурроқ ўрганиш таъсирчанликнинг дастлабки мезонларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Очиқ мулоқотда алоҳида таъкидланганидек, "Диплом билан — бизнесга" лойиҳаси доирасидаги ўқув-курсларда ўтган йили республикамизнинг барча ҳудудларидаги таълим муассасаларининг 1463 нафар битирувчиси ўз бизнес-режаси билан иштирок этди. Шулардан 1048 нафарининг бизнес-режаларига партиямизга ҳамкор тижорат банклари томонидан жами 6 млрд. 966 млн. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди.

– Интилувчан ва ташаббускор ёшлар пойтахтимизда ҳам кўпчиликни ташкил этади, – дейди Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Абдувоҳид Тошпўлатов. – Хусусан, ўтган йили 80 дан ортиқ битирувчи талабалар кредит олиш истагини билдириб, уларнинг истиқболли деб топилган бизнес-режалари партия тавсияси билан ўз вақтида молиялаштирилиши натижасида ана шу йигит-қизлар ўз тадбиркорлигини бошлаб юборгани фаолиятимиз самарасидан дарак бериб турибди.

O`zLiDePнинг яна бир ташаббуси бўлмиш "Парламентда менинг ўрним" лойиҳаси, мана бир неча йилдирки, кўплаб иқтидор эгаларини кашф этиб, партия тизимлари учун қобилиятли ёш кадрлар захирасини шакллантиришга ёрдам бермоқда. 2014 йилда бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига O`zLiDePдан сайланган 52 нафар депутатнинг 13 нафари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланганларнинг 290 нафари партия "Ёшлар қаноти" фаоллари экани ҳам бежиз эмас. Қолаверса, лойиҳанинг амалий натижаларига кўра, жойларда ёшларнинг ҳаётий муаммоларини бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, тайёрланаётган қонун лойиҳаларига навқирон авлоднинг таклифларини олиш тизими шакллантирилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти борасида ёшларни қизиқтирган саволларга депутатлар атрофлича жавоб беришди.

---

ЭЪТИРОФ

# Маънан етук, жисмонан бақувват

Дунёнинг бир қатор етакчи олимлари, иқтисод ҳамда сиёсат намоёндаларининг Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш, уларга таълим-тарбия бериш борасида олиб борилаётган ишларни дунё тажрибасида ўзига хос намуна, дея таъкидлашаётгани, бу юртнинг маънан етук, жисмонан бақувват ёшлари борлигини эътироф этишаётгани қувонарли.

Шу ўринда таълим-тарбия тизимининг асосий вазифаларидан бири — ёшлар тарбиясига аввало оила, қолаверса, маҳаллада катта эътибор берилиши, унга жамиятимиз учун муҳим масала сифатида қаралиши дунё эътирофини қозонмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёш авлод тақдирини ҳал қилувчи икки омил – таълим-тарбия бериш ва бугунги глобаллашув даврида фақат ижобий хислатлар таъсири остида шаклланишига катта аҳамият қаратилмоқда. Яна бир муҳим масала, мамлакатимиз таълим муассасаларига замонавий инновацион педагогик, ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши таълим сифатига янги, тубдан замонавий тус берди, десак муболаға бўлмайди. Ёшларимизнинг дунёқараши, тафаккури, мустақил фикр юритиш қобилиятини ривожлантириш ҳам уларнинг билим олишларига ижобий таъсир ўтказмай қолмайди. Зеро, буюк аждодимиз Абу Абдулло Рудакий таълим ва тарбияга нисбатан, ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим, дея бежиз таъкидламаганлар. Манбаларда маърифат ва маънавият аҳли таълим-тарбия масаласида, аввало, ўз-ўзини назорат қилиши, уни йиллар эмас, ҳар лаҳза ривожлантириб бориши зарурлигини кўп бора таъкидлашганига гувоҳмиз. Шу боис азалдан юртимизда ёшлар тарбиясига аввало оилада, қолаверса, таълим муассасаларининг масъуллигига катта эътибор билан қаратилади. Шу аснода ҳар бир инсон бутун ҳаёти давомида одоб-ахлоқ меъёрларидан баҳраманд бўлар экан, бу масалада албатта таълим масканларининг беқиёс ўрни борлигини таъкидламоқ жоиздир.

Республикамизда ижтимоий-иқтисодий тармоқ билан баробар равишда маънавий-маърифий ҳамда мафкура соҳалари тубдан, замонавий талаблар асосида модернизациялаб, такомиллаштириб борилмоқда. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, сиёсий партиялар ёшларни ижтимоий соҳаларга, тадбиркорликка йўналтириш баробарида эгаллаган касблари бўйича иш билан таъминлашга катта аҳамият қаратаяпти. Масалан, биргина O`zLiDePнинг "Диплом билан бизнесга", "Ишбилармон талаба", "Агар мен депутат бўлсам" лойиҳаларида бизнес режалари билан қатнашиб ғолиб бўлганлар тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини олишга эришдилар. Эътиборлиси, ана шу ёшларнинг аксарияти ўз қишлоғи, туманида нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки маънавий-маърифий, ҳатто ҳуқуқий йўналишда ҳам ўз бизнесларини йўлга қўйишмоқда. Бу ҳам мамлакатимизнинг эртанги кун ворислари — ёшларнинг ҳар томонлама етук, маънан соғлом вояга етаётганидан далолатдир.

**Наргиза РУСТАМОВА,**
*Тошкент шаҳридаги 275-мактабнинг ҳуқуқ ва миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиси*

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шунингдек, БПТлар мулкдорлар манфаатини ҳимоялашнинг ҳамда жамоатчилик назоратининг бошланғич механизми вазифасини ҳам ўтаяпти. Таянч нуқталар қанчалик фаол бўлса, партиямизга ишонч шунчалик ортади. O`zLiDeP Уставида бошланғич бўғинлар зиммасига яна талай вазифалар юклатилганки, уларнинг изчил йўсинда амалга татбиқ қилиниши партиямиз нуфузи янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Маълумки, Президентимизнинг O`zLiDeP VII Съезди, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузалари, шунингдек, Сайловолди платформамиз асосида партиянинг 2016 йилга мўлжалланган, 71 банддан иборат комплекс Ҳаракат дастури ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат партия ва унинг ҳамкорлари салоҳиятини жамиятни либераллаштириш ва демократлаштириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш каби устувор вазифаларни бажаришга сафарбар этиш имконини беради.

Бутун O`zLiDePнинг барча бўғинлари фаолияти мана шу дастурда баён этилган мақсадларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ қилишга йўналтирилган. Алоҳида қайд этиш жоизки, жамият ҳаётининг талай жабҳаларини қамраб олувчи мазкур дастурнинг ижросини электоратимиз вакиллари билан юзма-юз иш олиб борувчи бошланғич ташкилотларнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиш мушкул. Шу боис БПТ кўринишидаги ўзининг таянч нуқталари фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи доимо партиямиз диққат марказидадир. Хусусан, ушбу ойда ниҳоясига етган ҳисобот-сайлов йиғилишлари мазкур бўғин мустаҳкамлигини синовдан ўтказиш баробарида унинг нечоғли ишчанлиги, ташаббускорлиги ҳақида ҳам муайян хулосалар чиқариш учун асос яратиб, таянч тузилмалар фаолиятини ҳар жиҳатдан янада мукаммаллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

### САРҲИСОБ НИМАДАН ДАРАК БЕРМОҚДА?

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш сектори мудири Қодир Шойимовнинг маълум қилишича, ҳисобот-сайловларда барча қуйи бўғинларнинг фаолияти атрофлича таҳлил этилиб, истиқболдаги асосий вазифалар белгилаб олинди. Масъулиятли жараёнда партиянинг 212 мингдан зиёд аъзоси, жумладан, 1800 нафардан зиёд депутат, шунингдек, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, бевосита хусусий сектор билан ишловчи тузилмалар ходимлари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этди.

Йиғилишларда "Ўтган йили БПТлар қандай ютуқларга эришди, зиммасидаги вазифаларни қай даражада уддалай олди?" деган саволга жавоб берилар экан, даставвал, партиямиз ғояларини, мақсадларини қўллаб-қувватловчилар тобора кўпаяётгани тилга олинди. Дарҳақиқат, 2015 йил мобайнида 30009 нафар юртдошимизга O`zLiDePга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Бу эса олиб борилган тарғибот ишлари қанчалик таъсирчан бўлганини кўрсатиши билан бирга либерал-демократик ғояларнинг ниҳоятда ҳаётий, халқчил эканлигини яна бир бора намойиш этаётир.




*Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидан лавҳалар.*

Сиёсий кучни электорат билан боғловчи асосий бўғин — БПТлар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан анча ўсди. 351 та янги таянч тузилмага асос солинди. Жорий йил 1 апрель ҳолатига

# O'zLiDePнинг таянч нуқталари

***Бошлангич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида ана шу фикр қайта-қайта тилга олинди***

жами бошланғич ташкилотлар сони 9888 тани ташкил этди. Диққатта сазовор томони, ҳисобот-сайлов даврида тузилган 208 та қуйи тузилманинг 60 фоизи хусусий субъектларда фаолият юритяпти. Бошқача айтганда, хусусий сектор вакиллари ўртасида партия илгари сураётган ғоялар моҳиятини ташвиқ қилиш миқёси янада кенгайди. Айниқса, наманганлик маслакдошларимизнинг зиммаларидаги вазифаларга масъулият билан ёндашаётганликлари яққол




кўзга ташланди — ҳисобот даврида вилоятда 34 та янги БПТга асос солинди.

— Чекка, олис қишлоқлар ва шаҳарчаларда ҳам бошланғич ташкилотлар тузиш, уларга муносиб етакчилар сайланишига жиддий эътибор қаратяпмиз. Шу аснода бу ҳудудларда яшовчи юртдошларимизда ҳам либерал-демократик қадриятларга қизиқиш катталигига, мақсад ва ғояларимизга хайрихоҳлар кўплигига яна бир бора амин бўляпмиз, — **дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Сардор Маликов.** — Мулкдорлар ўртасида партия дастурий мақсад ва ғояларини кенг тарғиб этиш, O`zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар моҳиятини жамоатчиликка етказиш сиёсий мавқеимизни мустаҳкамловчи асосий омил эканы инобатта олинса, БПТларнинг роли, улар олиб бораётган турли-туман тадбирларнинг аҳамияти ойдинлашади.

Етакчилар ҳисоботларидан маълум бўлишича, ўтган йили аҳолининг турли қатламлари, жумладан, ўрта синф вакилларидан тушган 930 га яқин мурожаат ўрганилиб, уларнинг ижобий ҳал этилишига партиявий воситалар билан кўмаклашилди. 2015 йилда партиядан сайланган депутатлар томонидан турли идора ва ташкилотларга муайян масалалар ҳал қилиниши сўралган 3250 та депутатлик сўрови йўлланди. Уларнинг деярли 30 фоизи айнан қуйи тузилмалар ташаббуси билан кўтарилгани эътиборга молик. Шу билан бирга қатор муаммоларнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиниши, талай мансабдор шахслар ҳисоботи эшитувлари ўтказилишида ҳам БПТ фаолларининг ўзига хос ҳиссаси бор. Келтирилган рақамлар партия ўз электорати манфаатларини нафақат парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари воситасида, балки фаолларнинг тўғридан-тўғри ёрдами билан ҳимоя қилишга қодир эканидан далолат беради. Қолаверса, қуйи ташкилотларга келиб тушган ҳар бир мурожаат айни масала бўйича мавжуд аҳволнинг муфассал ўрганиб чиқилишига асос бўлаётир. Айниқса, Бухоро тумани, Самарқанд шаҳри, Ҳазорасп, Оҳангарон туманларида партия нуфузи мустаҳкамланишида катта аҳамиятга эга мазкур фаолият яхши йўлга қўйилган. Аммо Томди, Деҳқонобод, Денов, Булоқбоши, Бувайда, Улуғнор, Мингбулоқ туманларидаги партия қуйи тузилмаларининг бу борада астойдил саъй-ҳаракат қилаётганлиги сезилмаяпти.

### ХАТО-КАМЧИЛИКЛАР ТУЗАТИЛАДИ

Ҳисобот-сайловларда бошланғич ташкилотларнинг аҳоли, хусусан, ёшларни ўйлантираётган муаммолар, қизиқтираётган масалалардан яхши хабардорлиги унинг яна бир устунлиги сифатида эътироф этилди. Муаммони чуқур билиш эса ҳаётий, асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга замин ҳозирлайди. Уюштирилган туркум тадбирлар, шунингдек, долзарб ижтимоий-сиёсий мавзуларга бағишланган семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувларда моҳият-эътибори билан аҳоли турмуши янада фаровонлашувига қаратилган кўплаб таклиф-тавсиялар, ғоялар илгари сурилди. Ўзаро фикр алмашиш, савол-жавоблар ҳам партия туман (шаҳар) ва вилоят Кенгашларининг, шунингдек, депутатларимизнинг турли ижтимоий масалаларни ижро ҳокимияти органлари муҳокамаси қўйишига асос бўлаётир. Ўтган йили 300 дан ортиқ асосли таклиф партия юқори органларига тақдим этилди. Ана шундай йўсинда юртдошларимиз турмуши янада фаровонлашувига хизмат қилувчи янги имкониятлар ишга солинди, БПТларнинг эса депутатлик гуруҳларининг яқин ҳамкори ва сайловчилар билан партия кенгашлари ўртасидаги кўприк сифатидаги роли яққол кўзга ташланди.

Йиғилишларда ана шундай натижаларга қарамай, қатор хато-камчиликлар борлиги ҳам тан олинди. Чунончи, ички имкониятлардан, берилган ваколатлардан етарлича фойдалана билмаслик, айрим партия аъзоларининг ижтимоий масъулиятни чуқур ҳис қилолмаслиги шулар жумласидандир. Уларнинг бартараф этилиши таянч тузилмалар ишини бундан-да кучайтириш, партия сафини кенгайтиришда БПТлар раислари, фаолларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, партия аъзоларининг меҳнатда, жамоат ишларида, умуман, ҳамма жабҳада бошқаларга ўрнак бўлишига эришиш, тадбирларда энг замонавий усуллардан фойдаланишни кенгайтириш каби бир қанча ишларни бажариш билан бевосита боғлиқдир.

Гап нуқсонлар хусусида борар экан, яна бир масалага тўхталиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Эътироф этиш керакки, БПТлар йиғилишларида қуйи бўғин тузилган ташкилот ва корхонага тааллуқли, шунингдек, жойларда ечимини кутаётган катта-кичик ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама қилинмоқда, ҳар бир қарор баҳс-мунозаралар билан қабул қилинмоқда. Бу — яхши, албатта. Лекин, тан олиш керакки, талай қуйи тузилмалар ички масалаларга ўралашиб қоляпти. Ваҳоланки, БПТлар кенг маънода мунозаралар майдонига айланмоғи лозим. Шу билан бирга баъзи етакчиларда ҳали-ҳануз ташаббускорлик етишмаяпти. Улар партия юқори органлари топшириқларини бажариш билангина чекланиб қолишмоқда. Намунали БПТлар иш фаолиятини оммалаштириш борасида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳам айрим жойларда эътибордан четда қоляпти.

### ЕТАКЧИЛИККА КИМЛАР САЙЛАНДИ?

Бўлиб ўтган муҳим тадбирларда БПТ етакчилари ва аъзоларининг сифат таркибини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ваколатларидан оқилона фойдаланиб, жойларда партия мавқеини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган 8660 та қуйи бўғин раиси қайта сайланди. 1020 та таянч нуқта эса янги етакчилар билан иш бошлади. Аҳамиятлиси, янги раисларнинг 340 нафари ҳамда ҳисобот-сайловлар мобайнида партия сафига қабул қилинган 10 мингдан зиёд ҳамюртимизнинг деярли 45 фоизи навқирон авлод вакилидир. Бу тасодифий ҳол эмас, балки O`zLiDePнинг собитқадамлик билан ёшлар учун ижтимоий кўтаринкилик муҳитини яратишга, уларнинг ижтимоий-сиёсий истиқболини бунёд этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари самарасидир. Зеро, партия фаолиятини, жумладан, бошланғич ташкилотлар ишини такомиллаштириш юзасидан билдирилаётган асосли таклифларнинг аксариятини ёш етакчилар ва аъзолар илгари сураяпти.

Қайд этиш зарурки, Наманган вилоятида энг кўп — 131 та қуйи бўғин раиси ўзгарди. Бу эса ҳудуддаги жами қуйи бўғинларнинг 20 фоизи демакдир. Буни ижобий ҳолат, дея баҳолаб бўлмайди. Холисона айтганда, наинки БПТ аъзолари, балки туман ва шаҳар партия ташкилотлари мутасаддиларининг эътиборсизлиги охир-оқибат ана шу ҳолатни келтириб чиқарди. Айни вақтда фаолларнинг хатолардан тегишли хулосалар чиқариб, вазиятни яхшилаш учун чора-тадбирлар кўраётганликларини астойдил қўллаб-қувватлаш даркор.

Шунингдек, таҳлиллар айрим жойларда партиявий ишларга юзаки ёндашилганини кўрсатди. Айтайлик, Гулистон шаҳри, Ховос, Жомбой, Пахтачи, Хива туманлари партия Кенгашлари томонидан тақдим этилган мазкур жараёнга оид ҳисоботларда электоратнинг қонуний манфаатларини ифодалаш бўйича билдирилган бирорта таклиф, сайловчиларни ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этиш бўйича бирорта аниқ иш акс этмаган.

***Маълумки, мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда аёлларнинг фаоллигини ошириш мақсадида O`zLiDeP кўпгина лойиҳаларни, турли тадбирларни изчиллик билан амалга ошираяпти. Янги сайланган БПТ етакчиларининг 343 нафари опа-сингилларимиз экани ана шу ҳаракатлар зое кетмагани, хотин-қизлар ўртасида O`zLiDeP фаолиятига қизиқиш тобора кучаяётганлигининг исботидир.***

Айни пайтда партиявий тадбирларда фаол қатнашиб, БПТлар орасида ўзаро тажриба алмашиш, эришилган ютуқларни оммалаштириш, фаолликни кучайтиришга қаратилган асосли таклифлар билдирган, ташкилотчилиги ва бошқа фазилатлари билан маслакдошлари ҳурматини қозонган сафдошларимизнинг 1870 нафари O`zLiDeP раҳбар кадрлар захирасига олинди.

Партия уставига мувофиқ, аъзолари сони 30 кишидан зиёд бўлган 1550 та қуйи ташкилотда фаолият кўрсатаётган кенгашлар аъзолари қайта ёки янгитдан сайлангани ҳам диққатта молик.




Хулоса шуки, ҳисобот-сайлов йиғилишлари БПТларнинг том маънода партиянинг таянч нуқталарига айланаётганини кўрсатди. Гарчи муайян камчиликларга йўл қўйилган бўлса-да, мазкур жараён юқори савияда ўтди, дейиш мумкин. Галдаги вазифа эса муваффақиятларни мустаҳкамлаш, нуқсонларни тузатиш ҳамда Ҳаракат дастурида баён қилинган вазифаларни амалга оширишда БПТлар салоҳиятидан тўла-тўкис фойдаланиш, бу жараёнда ҳар бир сафдошимиз масъулиятини янада кучайтиришдан иборат.

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
"XXI asr" мухбири

---

Ўзи учун сиёсий платформа, деб танлаб олган либерал-демократик ғоя ва мақсадларни ўз фаолияти орқали кенг омма онгига сингдириш, бу борада сафини кенгайтиришга йўналтирилган ҳар томонлама чуқур ўйланган партия сиёсатини тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг асосий мақсадларидан биридир.

O'zLiDeP Дастуридан

---

## "Қадамбой Пўлат"нинг дадил одимлари

O`zLiDeP Амударё туман Кенгашида рўйхатдан ўтган сафдошларимиз ҳам партиянинг мақсад ва вазифаларини, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб этиш бўйича изчил иш олиб бораяптилар. Зеро, бунинг учун куч ва имконият етарли. Туманда 912 нафар маслакдошимиз 42 та бошланғич ташкилотга бириккан ҳолда фаолият олиб бораётир.

"Қадамбой Пўлат" фермер хўжалигида партиямиз қуйи бўғини ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, унинг ўз зиммасидаги вазифаларга сидқидилдан ёндашиши, изланувчанлиги кўпларда ҳавас уйғотяпти. Чунончи, яқинда ушбу қуйи ташкилотда "Фермер бадавлат бўлса, юрт обод бўлади" мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди.

— O`zLiDeP туман Кенгаши масъуллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, БПТлар раислари иштирок этган тадбирда ҳудуддаги фермер хўжаликларининг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди, — дейди қуйи бўғин етакчиси Мансур Тожимов. — Хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир неча аниқ таклиф-тавсия билдирилди. Уларни жамлаб, партия юқори органига тақдим этдик.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати**

---

## Қайта сайланди

Қоракўл туманида савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш йўналишида 280 га яқин хусусий бизнес субъекти фаолият олиб бормоқда. Уларнинг бир қанчасида партиямиз бошланғич ташкилотлари ташкил қилинган. Чунончи, "Доктор Норқул Ҳусенов" хусусий корхонасидаги БПТ 20 дан зиёд маслакдошни бирлаштирган. Қуйи бўғин етакчиси Шуҳрат Ҳусеновнинг айтишича, жорий йил давомида "Саидмедшифо", "Саҳро мавжлари", "Лаззат лағмон" сингари бир қанча хусусий корхоналарда туркум ғоявий-сиёсий тадбирлар ўтказилиб, ишчи-хизматчиларнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий билимлари оширилди.

Бухоро туманида ҳам O`zLiDeP нуфузи тобора ортиб боряпти. Хусусан, "Расул бобо" фермер хўжалигида иш юритаётган, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Равшан Ҳамроев етакчилигидаги таянч тузилма яқинда "Заррум" ва "Қобил Собир" фермер хўжаликларига минерал ўғит ва сув таъминоти масалаларида партиявий воситалар билан кўмаклашдилар. Ўтган даврда ҳам Р.Ҳамроев ташаббуси билан коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, қишлоқ мулкдорларига лизинг, кредит масалаларида ёрдам бериш ва бошқа талай хайрли ишлар амалга оширилганди. Бинобарин, яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида 34 кишидан иборат маслакдошлар ўз етакчиларини яна қуйи бўғин раислигига сайладилар.

**Асхор ИСТАМОВ,**
"XXI asr" мухбири

# НАМАНГАН ЖАВОҲИРИ

**Маълумки, Наманган замини қадимдан тўқимачилик, пойабзал тикиш, темирчилик, ганчкорлик, дурадгорлик, ўймакорлик билан шуғулланадиган моҳир ҳунармандлари, устахона ва дўконлари билан бутун минтақамизда машҳур бўлган. Ишбилармонлик, тадбиркорликнинг бундай ноёб анъана ва сирлари Наманган аҳлининг қон-қонида бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётганини ҳурмат билан таъкидлаш ўринлидир.**

**Ислом КАРИМОВ**



*“Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида тугалланиши кутилаётган мазкур қурилишнинг чизмаси билан танишар эканман, тез орада Наманган вилоятида яна бир муҳташам иншоот қад кўтаришидан қувондим...”*

“Ташаббус – 2016” ғолиби, машҳур тадбиркор Жобир Камолиддинов билан суҳбатимиз жуда оддий кечди. Очиғини айтганда, эскича фикрлаш таъсирида бой-бадавлат, ишбилармон кишиларни калондимоғ, хасис бўлса, керак деган фикр ҳам юради. Аслида-чи?..

Водий вилоятларига сафаримиз давомида O‘zLiDeP Наманган вилоят раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Носиржон Абдуллаев билан гурунглашиш асносида донгдор тадбиркор ҳақида сўз очдим.

– Э, Жобирхонми, у йигит билан бир суҳбатлашишингиз керак. Дилкаш, гурунги манзур йигит. Бундан ташқари, партиямизнинг фаол аъзоларидан бири. Иш бошлаганига тўрт-беш йил ўтмай туриб, бутун мамлакатимизда довруғли ишбилармонга, бир сўз билан айтганда, Наманганимизнинг фахрига айланди, – деди суҳбатдошим.

Хуллас, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 20 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Ташаббус” кўрик-танловининг бу йилги ғолиби билан суҳбатга шошилдик. “Йилнинг энг яхши тадбиркори” номинациясида биринчи ўринни эгаллаган “Aisha Home Textile” қўшма корхонаси раҳбари Жобир Камолиддинов билан иш устида кўришдик.

– Биласизми, юртимизда текстиль саноати билан шуғулланиш учун барча шароитлар муҳайё. Мен ҳам авваллари юртимизга хориждан газлама олиб келиб, кўтара савдо қилардим. Кейин ўйлаб қолдим, тўғрисини айтайми сизга, онам жудаям жўяли ва тўғри маслаҳатни бердилар.

– Нима, онангиз ҳам шу соҳада ишлайдиларми? – дабдурустдан гапимиз қовушиб кетгани учун шоша-пиша қалам-қоғозни шайлаб, суҳбатни ёзиб олишга тараддудланаман.

– Онамми... Эслайман, ёшлигимизда уйда ўтириб чок тикар, маҳалла қизларига чеварчиликни ўргатардилар. Мен ҳам матога ишлов беришни, чок тикишни улардан ўрганганман. Айнан онам менга четдан мол келтириш ўрнига юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида топшириқ бердилар. Йў-ўқ, нотўғри эшитмадингиз, адашмадим, топшириқ бердилар, вассалом. Онамнинг ҳар бир сўзи мен учун қонун.

Сизга қандай тушунтирсам экан... совринни олишим аниқ бўлганда, ҳаяжон билан онамни эсладим, кўзимдан ёш қалқиди. Ўша пайтда кўнглимдан бахтимга онам соғ бўлсинлар, деган ўй ўтди, холос. Негаки, мени мана шу йўлга меҳрибон волидам Ёқутхон Баҳриддинова бошлаганлар. Раҳматли отамиз Нуриддин Камолиддинов қўли гул уста эдилар.

– Отангиз дунёдан ўтганидан кейин оила ташвиши, уй-жой, югур-югурлар... Ёшгина йигитга бу қийинчилик туғдиргандир? – саволим гарчи кўнгилга доир бўлса ҳам, барибир мен қаршимда турган суҳбатдошим — бугунги замонамиз қаҳрамонларидан бирини тўлароқ англашга, қалб бисотини ўрганишга йўл ахтараман.

– Отам оламдан ўтганда... ишонасизми, мен учун гўёки, дунё қулаб тушди. Ўшанда мактаб ўқувчиси эдим. Эсимда, бир гал турмушга чиққан опам уйимизга йўқчилик важидан зориқиб келди. Ёрдам берайлик десак, ўзимиз ҳам мададга муҳтож кезларимиз. Ўшанда мустақиллик арафаси, одамлар юпун, иқтисод издан чиққан, ҳар ерда пала-партишлик ҳукмрон эди. Онамнинг изиллаб йиғлаганини кўрдим. Ёш эдим, гап нимадалигини билдим. Ўшандан кейин ҳар куни тонг саҳарда ишга қатнайдиган бўлдим. Мактабда сабоқлар бошлангунча бозорда майда-чуйда ишларни қилиб, озроқ пул ишлардим. Ҳар куни тонг оқариб келаётган пайтда қиблага юзланиб, “Давлат бер, Аллоҳим, давлат бер...” дея йиғлаб илтижо қилардим.



*Нашр арафасида қўшма корхона раҳбари Италиядан телеграм мессенжери орқали хабар йўллади: “Италиянинг “Itema” ва “Mejetron” текстил компаниялари билан жами 2 млн 400 минг АҚШ долларига тенг инновацион шартнома имзоладик...”.* **18 апрель, Милан.**

Бир лаҳзада савлат-салобатли тадбиркор ўша пайтларнинг мискин кайфиятига чўмди, қалбини кемираётган армонлари ҳақида дилгир бир руҳда сўзлай кетди. Унинг хотираларини эшитарканман, очиғини айтганда, самимий, дилкаш бу инсоннинг ғайрати, завқи, ҳар қандай вазиятдан чора топиб, ишбилармонлик, жўяли тадбир билан олға юрганига ҳавасманд бўлар эдим.

– Ўйлаб қарасам, ўша – ёшлик йилларимдан битта хулоса қолди: қийинчиликлар қаршисида довдираб, кўз ёши тўкиб, кимдандир нажот кутгандан кўра, мўлжални аниқ олиб, тоза ният билан ҳаракат қилиш керак экан. Умуман, йигит киши ожиз ва нотавон бўлиб қолмаслиги, ҳар қандай ҳолатда ҳам тадбирли бўлиши зарур, буёғини сўрасангиз замон ҳам шуни тақозо қилмоқда. Акс ҳолда ҳаёт аталмиш саҳнада изсиз ғойиб бўласиз. Мен ишладим... Меҳнат қилдим. Муҳтарам Президентимиз, давлатимиз менга қанот берди. Қолгани...

**Телефон жиринглайди.**

– Ҳозир, кечирасиз, – дейди ҳамсуҳбатим. – Чет элдан қўнғироқ қилишяпти, маркетинг менежеримизни халқаро кўргазмага юборгандик. Латвиянинг Рига шаҳрида халқаро текстиль кўргазмаси бўлаяпти, шунинг иштирокчисимиз...

Суҳбатдошим бир инглизча, бир русча гапириб, Ригадан алоқага чиқаётган маркетолог Диана Абдураҳмонова воситасида гоҳ ҳамкорлар, гоҳ оддий харидорлар, қизиқувчилар билан суҳбатлашиб, қувноқ, жўшқин кайфиятда ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳақида сўзлар эди. Камтарликка қоришиқ фахр бор эди унинг сўзларида. Нутқ оҳангида ўзига, яратган маҳсулотига ишонган одамга хос қатъият ва бозор иқтисоди, бизнес дипломатиясига хос ҳалимлик омихта бўлган эди.

Ҳозир ахборот замонида, юқори технологиялар даврида яшаяпмиз. Айниқса, тадбиркорлар, йирик ишбилармонлик доиралари вакиллари бу омиллардан унумли фойдаланишни жамоавий тарзда йўлга қўймоқдалар. Кўриб-кузатганимиз шу бўлдики, “Aisha home textile”-нинг барча ходимлари ижтимоий тармоқда, мессенжерларда ташкилот номи ва шаънини, брендга айланиб бораётган шавкатини нафақат ҳимоя қиладилар, балки маҳсулотларини кенг тарғиб этиш, реклама борасида ҳам уюшиб ҳаракат қилишар экан. Япониянинг, Исроилнинг, АҚШнинг етакчи компаниялари медиа имкониятларини, интернет қулайликларини, умуман, ишчи ва раҳбарият, мижоз ва сотувчи, корхона ва ҳамкорлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган янгиликларни тезкорлик билан жорий этишганини хабарлар оқимидан ўқиб, ҳайратга тушамиз, наҳотки, дегандай елка қисамиз. Жобир Камолиддинов ва у каби янги давр қаҳрамонлари асос солган фирма ва компаниялар билан таниша туриб, мана, бўлар экан-ку ўзимизда ҳам, дейсиз ифтихор билан.

Биз Жобир ака билан унинг офисида, сўлим Наманганнинг обод манзилида суҳбатлашиб ўтирганимизда дунёнинг турли жойларида мазкур текстиль корхонасининг вакиллари, маркетологлари ҳамкорлар билан янги шартномалар юзасидан музокаралар ўтказаётган, халқаро кўргазмаларда Ўзбекистон номидан қатнашиб, юртимиз довруғини ошираётган экан. Қойилмисиз? Ишбилармон, тадбиркор дегани мундоқ бўлибди, дейман ўзимга...

Бу орада мен тикув цехларини, бўяш ва тайёр маҳсулотни қадоқлаш бўлимларини ҳам шошилмай айланиб чиқаман. Ташкилотнинг бир қисмида иш қизғин – қурувчилар тобора ривожланиб, куч-қудратга тўлиб бораётган қўшма-корхона учун қўшимча янги бино қуришаяпти. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида тугалланиши кутилаётган мазкур қурилишнинг чизмаси билан танишар эканман, тез орада Наманган вилоятида яна бир муҳташам иншоот қад кўтаришидан қувондим.

Умуман, бундай тадбиркорлар, ишбоши одамлар билан суҳбатлашганингизда доим кўнгил равшан тортади – зотан, биргина инсоннинг фидойилиги юзлаб, минглаб инсонларни иш билан таъминлайди, қанчалаб оилаларнинг рўзғорига файз киради, юртимиз довруғи ошади.

Шу куни оқшомга қадар партиямиз фаоли Носиржон Абдуллаев билан биргаликда корхона ҳудудини айланиб, амалга оширилаётган хайрли ишларни чамалаб, ҳаяжон ва сурур билан суҳбатлашдик. Биз билан бирга айланиб юрган Жобирхон ака бўлса, навбатдаги цех билан таништирар экан, дарров ишга шўнғиб кетади, ходимларига савол беради, саволларига эринмай жавоб беради. Амин бўлдимки, у ўзи асос солган ташкилотнинг ҳамма соҳасини, тармоқларини миридан-сиригача яхши билади, хориждан келтирилган ускуналарни ишга тушириш, унумли фойдаланиш борасида ҳам моҳир экан. Бўяш цехига келганимизда ёшгина ходимдан секин сўрайман: “Ташкилотда энг моҳир уста ким?” У кулиб жавоб қилади: “Жобир ака-да. У киши бизга мастер-класс кўрсатиб кетадилар”. Индамадим. Зотан, у ҳақ гапни айтганини кейин тушундим...

Салмоқлаб кўрсам, машҳур ишбилармон билан суҳбатимиз давомида миллатнинг устунлари, асл кайвонилари, яъни ҳазрати аёл – она ҳақида кўп гап айтилибди. Қарангки, бир онанинг азимати билан ўғлон юртга довруқ солди, халқнинг назарига тушди. Ҳа, магар оналар шаҳд қилса, дунёсини боғу бўстонга, чўлини гулистонга, тоғни талқонга айлантирамиз. Бизни шу қутлуғ йўлга бошлаб турган, давлатимизга камарбаста, элга қалби пайваста оналаримиз омон бўлишсин.

Оқшом чўкди. Тўрт-беш соат давомида дил ёриб суҳбатлашган қаҳрамоним билан эски қадрдонлардай хайрлашамиз. Хайрлашиш асносида бу учрашув яна давом этишини, зеро, катта ишлар энди бошланаётганини, “Aisha home textile” МЧЖ жаҳон текстиль бозорига шахдам қадамлар билан кириб бораётганини, ўзбек тадбиркорининг довруғли кунлари арафасида эканимизни чин юракдан ҳис қилдим...

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**
**“XXI asr” махсус мухбири.**
**Наманган-Тошкент**

## БИЛАСИЗМИ-ЙЎҚМИ...

*Наманган туманида фаолият кўрсатаётган Жобир Камолиддинов етакчилигидаги “Aisha home textile” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси 2012 йилнинг охирида ўз фаолиятини бошлаган. Дастлаб 35 киши билан иш юритган бу корхона ўтган давр мобайнида ҳар жиҳатдан ривожланди. Ишлаб чиқарилаётган момиқ сочиқлар ёнига халат, юмшоқ шиппак каби кундалик эҳтиёж моллари қўшилди. Ишловчилар сони бугунги кунда 175 кишига етди. 2015 йилда хорижлик ҳамкорлар иштирокида мато бўяш цехининг ишга туширилиши қўшимча 89 та иш ўрни яратиш имконини берди. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Ўтган йили 8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1 миллион 450 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди. Бунга ишни тўғри ташкил қилиш, халқаро стандартга мос келадиган сифат сертификатига эга бўлиш орқали эришилди. Корхонада бугунги кунда 120 турдаги текстил маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.*

ТАДБИР

# ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ
## Тошкентдан бошланади

Пойтахтимиздаги “Кўргазма савдо маркази” мажмуасида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар тақдимотининг Тошкент шаҳар ҳудудий ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш, телекоммуникация, коммунал соҳа, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва саноат ишлаб чиқаришининг турли соҳалари фаолиятига доир 149 та тақдимот ва 52 та инновацион ишланмалар, технологиялар намойиш этилди.

– Ушбу кўргазмада автомагистраллар четидаги ёритгичлар ва шохобчаларни муқобил электр энергияси билан таъминлайдиган шамол генератори билан иштирок этаяпман, – дейди Тошкент давлат техника университети талабаси Сарваржон Усмоналиев. – Қурилмамнинг ўзига хослиги шундаки, ўзак-ускунани табиий ва машиналар оқими юзага келтирадиган шамол ҳаракатга келтиради ва 20 кв. гача электр токи ишлаб чиқарилади. Бу технология ўзининг хавфсизлиги ва узоқ муддатга яроқлилиги билан ажралиб туради.

Кўргазмада намойиш этилган ранг-баранг, замонавий ва давр талабларига мос янги лойиҳалар Тошкент шаҳрининг 30 дан ортиқ саноат корхоналарида ҳаётга жорий қилиниши кутилмоқда.

**Аслиддин АЛИМАРДОНОВ,**
“XXI asr” мухбири.

ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги “Ижтимоий ҳимоя йили дастури тўғрисида”ги ПҚ-573-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги “Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 409-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида 2016-2017 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуролларидан шарикли ручка маҳсулотини харид қилиш учун қайта очиқ тендер савдолари ўтказилишини**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Мазкур тендер савдолари очиқ турда ташкил этилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар, 1-синф ўқувчилари ҳамда якка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ёки буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари – юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Бунда тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган, тегишли маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади.

Тендерда маҳсулотларни тегишли тартибда етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ва ташкилотлар, шунингдек, республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

- тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;
- ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;
- Халқ таълими вазирлиги ва “Ўқув таълим таъминот” Давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар;
- мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

Халқ таълими вазирлиги ва “Ўқув таълим-таъминот” ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

- Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб бермайдиганлар.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар Тендер комиссияси ва ёки Тендер комиссияси топшириғига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан (квалификационный отбор) ўтказилади.

Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим:

**Талабгор Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари учун:**

- ходимлари сони ва талабгорнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;
- маҳаллий хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан талабгор банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- маҳаллий Давлат рўйхатига олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув – далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);
- талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорни ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);
- талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;
- талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами (китоби) ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши шарт.

Талабгор — хорижий корхона ва ташкилотлар учун:

- талабгор — корхона тўғрисида халқаро масштабдаги аудитор компания хулосаси (ҳисоботи, изоҳ-тушунтириш хатини илова қилган ҳолда). Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт;
- талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси (мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт);
- талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 3 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Агарда тендерда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга импорт товарлари етказиб берувчи хорижий корхоналар иштирок этганда, қонунчилик билан ўрнатилган тартибда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарга 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар “Ўқув таълим-таъминот” ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумотни олиш истагида бўлганлар Тендер комиссиясининг Ишчи органи ҳисобланган “Ўқув таълим таъминот” ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10:00дан 17:00га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Ишчи орган манзилгоҳи:** Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. Тел: **(0371) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. Факс: (0371) 267-71-16.**

Бундан ташқари мазкур тендер савдолари ҳақидаги маълумот Халқ таълими вазирлигининг **www.uzedu.uz** электрон сайтида чоп этилган.

**Тендер савдоларида харид қилинадиган шарикли ручка маҳсулот миқдори ва унинг энг юқори нархи**

| Т/Р | Харид қилинадиган маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори баҳоси (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Шарикли ручка | дона | 670 851 | 300,0 |

Тендер ҳужжатини харид қилиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 960 000 (тўққиз юз олтмиш минг) сўм миқдорида қайта қопланмайдиган пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин:

**Ишчи орган банк реквизитлари:** Ҳисоб рақами **№ 20210000700101561002 АТИБ “Ипотека” банки, Меҳнат бўлими, МФО: 00423 ИНН 200524742, ОКОНХ 51520.**

Барча тендер таклифлари Тендер ҳужжатининг 12.1-бандига мувофиқ, тендер таклифи суммасидан 3 (уч) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги бўнак суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт. Бўнак суммаси тендер таклифларини топширишнинг охирги кунигача ўтказилган бўлиши талаб қилинади *(Барча тўловлар сўмда амалга оширилади)*.

Бўнак суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари 2016 йил 28 май соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органига тақдим этилиши лозим (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақда талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

*Хизматлар лицензияланган.*

# Кичик компаниялар — кадрлар устахонаси

Акбар МУЗАФФАРОВ,
"XXI asr" мухбири



Маълумки, тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам тадбиркор ва ишбилармонлар ҳар қандай давлатнинг таянчи ва суянчи, жамиятнинг устуни бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларида оёққа тура бошлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари бугун ўзининг бардошлилиги билан дунёда йирик монополиялар ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашларни чиппакка чиқараётир. Айни пайтда мазкур соҳа ривожи ишсизликни камайтириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида пешқадамдир.

Ерга яхши ниятлар билан экилган ниҳол илдиз отиб, униб-ўсиши учун алоҳида эътибор ва парвариш талаб этганидек, кичик бизнеснинг томир отиб, мева бериши учун ҳам худди шундай ғамхўрлик зарур. Яъни, қаерда тадбиркор эркин, аниқроқ айтганда, солиқ, божхона, банк ва бошқа имтиёзларга эга бўлса, самара ҳам шунга яраша бўлади. Аксинча, ҳозир тилга олинган шарт-шароитларни яратмасдан туриб, иқтисодиётни кичик бизнес ҳисобига ривожлантириш, булутсиз осмондан ёмғир кутиш билан баробардир.

Айни пайтда жаҳоннинг барча малакатлари ана шу ҳаётий тамойилларга амал қилган ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётнинг таянчи, унинг эртанги кунини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини англаб етмоқдалар. Мазкур масалаларга жиддий эътибор қаратаётган аксарият мамлакатларда улкан натижаларга эришилаётгани ҳам сир эмас. Мисол учун, Япония, Германия, Жанубий Корея бу борада ўзига хос мактаб яратган бўлса, ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг Ўзбекистон ҳам соҳада улкан ютуқларга эришмоқда.

Келинг, шу ўринда юқорида тилга олинган мамлакатларнинг кичик бизнес соҳасидаги тажрибалари билан қисқача танишсак. Масалан, Германияни олайлик. Мамлакатда кичик бизнеснинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг инновациялар яратишга қаратилганидадир. Ўтган асрнинг 80-йилларида Саноат ва савдо палатаси ҳузурида технологиялар трансферини рағбатлантириш комиссияси ва маслаҳат маркази тузилди. 90-йилларга келиб эса технопарклар яратилиб, кичик компанияларни имтиёз ва дотациялар асосида қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва миллий дастурлар амалиётга жорий этилди. Бугунги кунда инновацияларга ихтисослашган кичик бизнес субъектлари давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Яъни технологик марказлар ва тадқиқот институтлари ташкил этилган ва махсус транспорт тармоғи ҳам йўлга қўйилган.

Марказий Европадаги энг ривожланган давлатларидан бири Германияда тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилган ҳар бир фуқаро ҳеч бир тўсқинликсиз 20 йил муддатга 50 минг еврогача имтиёзли давлат кредитини олиши мумкин. Эътиборли томони, дастлабки икки йил давомида тадбиркор кредит маблағларидан беғараз фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Кейинги 8 йил давомида банкка кредитнинг фақат имтиёзли фоизлари, яъни йиллик 4-5 фоиз тўланади. Қарз суммаси эса кредит даврининг ўн биринчи йилидан бошлаб тўлаб борилади. Бундан ташқари, Германия ҳукумати турли тадқиқот ва илмий ишларни амалга ошириш мақсадида олинган кредитнинг 40 минг еврогача бўлган қисмини ўзи қоплайди.

Германиянинг кичик компанияларини ҳақиқий кадрлар устахонаси дейиш мумкин. Чунки, олий таълим даргоҳлари битирувчиларининг 80 фоизи ўз меҳнат фаолиятини айнан кичик корхоналарда бошлайди. Малака ошириш тўғрисидаги шартномаларнинг 80 фоизи ҳам айнан кичик корхоналар ва олий таълим муассасалари ўртасида тузилади.

Имтиёзли солиққа тортиш тизими, давлат дотациялари ҳамда офисларни ижарага олиш нархларининг пастлиги туфайли кичик бизнес вакилларининг харажатлари йирик компанияларга қараганда кам бўлади. Шу боис кичик бизнесда мавжуд бўлган афзалликларни англаб етиб, йирик компаниялар майда шўъбаларга бўлина бошлади. Натижада бугунги кунга келиб, Германияда қайси корхона кичик фирмаю, қай бири йирик компаниянинг бўлими эканини тушуниш қийин. Йирик компания таркибига кирувчи кичик фирмалар камхаражат бўлгани боис хорижлик инвесторларга жозибадор кўринади. Шу сабабли кейинги йилларда Германиянинг кичик илмий-тадқиқот компанияларига АҚШ, Япония ва Швециядан киритилаётган инвестициялар ҳажми ортиб бормоқда. Бу эса, табиийки, мамлакат иқтисодиётини янада мустаҳкамламоқда.

Кичик бизнеснинг Жанубий Корея тажрибаси ҳам ўзига хос. Таъкидлаш жоизки, 2000-йилда мамлакат ҳукумати томонидан 10 йиллик дастур қабул қилинган бўлиб, у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида катта роль ўйнади. Дастурнинг асосий мақсади саноат маҳсулотлари экспортида кичик ва ўрта компаниялар улушини 37 дан 50 фоизгача ошириш, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни 50 дан 56 фоизгача ошириш, аҳолини иш билан таъминланишини 70 дан 78 фоизга кўтариш, бериладиган кредит фоиз ставкаларини камайтириш нисбатан рақобатбардош бўлган компанияларни аниқлаб, уларга кўмак беришдан иборат эди. Шу билан бирга кичик бизнесни молиялаштириш соҳасида 4 та умуммиллий ташкилот Корея Саноат Банки, Фуқаролик Миллий Банки, Корея кредит-кафолат ҳамда Корея технология кредит фондлари фаолият олиб бормоқда. Давлат маблағлари янги технологияларни ишлаб чиқариш ва киритиш, айланма маблағни тўлдириш мақсадида имтиёзли шартларда тақдим этилади.

Юқорида таъкидлагангандек, ана шу мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда кичик бизнес иқтисодиётни бошқаришнинг ишончли воситасига айланмоқда. Энг муҳими, соҳа вакиллари давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Президентимиз раҳнамолигида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтиришга катта аҳамият қаратилмоқда.

Бу борада қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти соҳа ривожида муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик фаолиятининг барча қирраларини қамраб олган. Илгари корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳафталаб вақт сарфланган бўлса, бугунга келиб тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш, солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш электрон шаклда амалга оширилаяпти. Қолаверса, фармонда туман ҳокимликлари ҳузуридаги "ягона дарча" фаолиятини такомиллаштириш юзасидан белгилаб берилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларини турли рухсат бериш характеридаги ҳужжатлар, лицензияларни олиш билан боғлиқ ташвишлардан халос этмоқда.

Кейинги йилларда солиқ қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам тадбиркорлик равнақига хизмат қилмоқда. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорига асосан юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилди, шунингдек, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди. Хусусан, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб, божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди.

Соҳада узоқни кўзлаб олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56,7 фоизга етди. Бу 2000 йил билан таққослаганда 1,8 баравар кўпдир.

Шу ўринда яна бир гап. Маълумки, ҳар қандай жамиятда у ёки бу қатлам манфаатини, орзу-истакларини рўёбга чиқаришга интиладиган уюшмалар, сиёсий партиялар иш олиб боради. Мамлакатимизда ҳам кичик бизнес вакиллари манфаатини ҳимоя қилишга бел боғлаган муассасалар талайгина. Улар қаторида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини алоҳида тилга олиш жоиз. Айни пайтда партия ўзининг истиқболли лойиҳалари орқали тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Мисол учун, "Ишбилармон талаба", "Диплом билан — бизнесга", "Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага", "Агар мен депутат бўлсам...", "Мулкдор оила" каби йирик партиявий лойиҳалар аҳолини, жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир. Бугунги кунгача минглаб ёшлар партия лойиҳалари орқали ўз интилишларини рўёбга чиқаришга муваффақ бўлди.

Қисқача айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг ҳаётий хусусиятлари орқали бутун дунё иқтисодиётини модернизация қилиш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда қўл келмоқда.

# СИФАТ ҲАМИША БИРЛАМЧИ

Зиёдулла МЎМИНОВ,
"XXI asr" мухбири

Реклама ўрнида

Бекобод — Тошкент вилоятининг йирик саноатлашган ҳудудларидан бири саналади. Сўнгги йилларда туманда кичик ва хусусий бизнес ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳозирги кунда туманда мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, маҳсулотларни қайта ишлаш билан шуғулланади. Аграр тармоқда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг кўпайиб бораётгани эса етиштирилаётган қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, улардан тайёр маҳсулот етказиб бериш имконини яратмоқда.

— Яқин йилларгача айрим хорижий давлатлар тадбиркорлари фаолияти, уларнинг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганини кўриб, эшитиб, тўғриси, ҳавас қилар эдим. Бугунчи, энди бизга ҳавас қилишяпти, десам янглишмайман. Давлатимизда ўз бизнесини йўлга қўйган ва қўймоқчи бўлганлар учун кенг имкониятлар яратилган. Бундан фақат фойдалана билиш керак холос, **— дейди "BEKOBOD QO'RG'ONI" масъулияти чекланган жамияти директори Исматилла Дадабоев.** — Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидир. Энг асосийси, айрим давлатлардан фарқли ўлароқ, мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришнинг ягона, истиқболли тизими амал қилмоқда.

— Ишлаб чиқарувчилар ва унга хизмат кўрсатувчилар ўртасида яратилган мустаҳкам "кўприк" эришилаётган барча ютуқларнинг гарови бўлаяпти. Биргина мисол, тадбиркорнинг маҳсулоти сифатли бўла туриб, белгиланган стандарт талабларига жавоб бермаса, истеъмолчилар манфаатларидан келиб чиқилган ҳолда ишлаб чиқаришга рухсат этилмайди. Чунки сифат ҳамиша бирламчидир, **— дейди "Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси директори Жамшид Ғаниев.** — Шу боис бизда маҳсулот нафақат синовдан ўтказилади, балки уни ишлаб чиқариш жараёни ҳам эътибордан қолмайди. Айниқса, корхоналарда сифатни бошқариш тизимининг жорий этилаётгани маҳсулот сифатини яхшилаш баробарида унинг ички ва ташқи бозордаги харидоргирлигини ҳам ошираяпти. 2015-2017 йиллар орасида ISO 9001:2008 халқаро стандартини жорий этиш бўйича 58 та корхона марказимизга бириктирилган бўлса, шундан бу йил 19 та корхонада сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштириш режалаштирилган. Ҳозиргача 2 та корхонада тизим жорий этилиб сертификат топширилган бўлса, 8 та корхона билан шартнома тузилган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Умуман, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш жамоамиз мутахассисларининг доимий эътиборида. Биргина жорий йилнинг ўтган дастлабки чорагида тадбиркорлар ҳамда ишлаб чиқарувчилардан 325 та ариза-мурожаат қабул қилиниб, уларга 307 та мувофиқлик сертификати расмийлаштириб берилди. Бундан ташқари марказимизнинг "Қиёслаш" бўлими томонидан аҳоли ҳамда корхоналар, тадбиркорлик субъектларига тегишли қарийб 23 минг дона ўлчов воситаси давлат кўригидан ўтказилиб қиёсланди. Бу эса ўтган 2015 йилга нисбатан салкам 10 мингтага кўп деганидир.

Статистик маълумотлар сўнгги йилларда вилоятда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда. Ҳозирда туманнинг қай бир дўкони ёки савдо шохобчасида сотилаётган маҳсулотни кўздан кечирманг, уларнинг аксарияти ёрлиғида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган", деган ёзувга кўзингиз тушади. Бу ҳам маҳаллий аҳоли учун муҳим аҳамиятга эгадир. Кўп тармоқли фермер ва деҳқон хўжаликлари, боғ ва полизларда етиштирилаётган сифатли маҳсулотлар эса ички бозорни таъминлаш билан бирга хорижга ҳам экспорт қилинаяпти. Айниқса, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳа тараққиётида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Туманимизда эса ҳар йили минглаб тонна узум, картошка, полиз маҳсулотлари етиштирилишини эътиборга оладиган бўлсак, жорий йил пишиқчилик мавсумидан бошлаб, ушбу турдаги маҳсулотларни лаборатория синовидан ўтказиш ишлари ҳам бирмунча ортиши кутилмоқда. Табиийки, бу жараён ўз-ўзидан марказда хизмат қилаётган мутахассисларнинг билим ҳамда касбий кўникмалари янада юқори бўлишини тақазо этади. Ҳозирда марказда 30 дан ортиқ мутахассис хизмат қилмоқда. Шунинг 20 нафари олий, 10 нафари ўрта махсус маълумотга эгадир. Мутахассисларнинг 6 нафари эксперт-аудитор ҳамда эксперт-аудиторликка номзодлиги ҳам марказда маҳсулотлар синови, ўлчов воситаларини қиёслаш ишлари маромида олиб борилишини таъминлашга ҳисса қўшади. Айниқса, марказга эндигина ишга қабул қилинаётган мутахассисларни ишга жалб этиш, касб малакаларининг ортиб боришида устоз-шогирд тизимининг йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Аслида бу каби тадбирлардан кўзланган мақсад, аҳоли дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, дунё бозорида уларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

*Хизматлар лицензияланган*

# МУҚОБИЛ ДЕҲҚОНЧИЛИК РАВНАҚ ТОПМОҚДА



Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш Маркази, Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, "Murad Buildings" ва "AZIYA JUICE GROUP" корхоналари ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Дилшод Агроимпекс" фермер хўжалиги ҳудудига 300 туп хандон писта кўчатини ўтқазди. Мазкур саъй-ҳаракат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ўртасида муқобил деҳқончилик ҳамда қурғоқчил, камҳосил ерлардан фойдаланиш тажрибаси асосида хандон писта ва бодом буталари плантацияларини яратишни оммалаштириш мақсадида амалга оширилди. Лойиҳа қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (ИФАД) томонидан молиялаштирилган бўлиб, қурғоқчил ҳудудларда қишлоқ хўжалик тадқиқотлари халқаро маркази (ИКАРДА) томонидан амалга оширилмоқда. Тадбирда жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Солиҳ ЗОИР,**
*"XXI asr" мухбири.*

Реклама

# ТАРАҚҚИЁТ УЧУН БИЗ ҲАМ МАСЪУЛМИЗ

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

**Президентимиз таъкидлаганидек, ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар – тижорат банклари, замонавий молия ва солиқ тизими, аудит, суғурта воситаси ва биржа фаолиятини намунали йўлга қўймай туриб, аҳоли турмуш фаровонлиги ошириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.**

Шу боисдан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда маърифатли бозор тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Хусусан, тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар эвазига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, замонавий сервис хизматларини йўлга қўйишда яхши натижаларга эришилаётир.

Буни ҳар бир туман ва шаҳар мисолида кўриш мумкин. Ўзбекистон ўзининг арзон ва сифатли маҳсулотлари билан эндиликда жаҳон бозорларини ҳам забт этаётганлиги янада қувонарлидир.

Агросаноат тизими айниқса, фермер хўжаликларига ажратилаётган сармоялар эвазига уларнинг техник базаси мустаҳкамланиб ердан олинаётган ҳосил салмоғи ошиб бормоқда. Бугунги фермерларимиз нафақат маҳсулот етиштириш, балки уни саноат асосида қайта ишлашнинг ҳам ҳадисини олган, десак асло хато қилмаймиз.

Ана шу маъсулиятли жараёнда "Трастбанк" хусусий акциядорлик биржа банкининг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Зеро, 1994 йилда ташкил этилган ушбу молия муассасаси республикамиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Хусусан, 2012 йилда қабул қилинган "Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Конун



"Трастбанк" учун ҳам янги даврни бошлаб берди. Натижада янгидан-янги инновацион ёндашувларни илгари суриш имкони туғилмоқда. Бугунги кунда банк хизматлари бозорида юқори иш фаоллиги, адекват капиталлашув ҳамда мувозанатлашган ликвид мавқега эга муассасалардан бири саналади. Шу билан бирга, "Трастбанк" молия-банк барқарор ҳамда жами активлари, депозит портфели, инвестиция портфели ва капиталлашув базасининг кўрсаткичлари бўйича молиявий мавқеини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бораётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурлари ижросини таъминлаш биз банк ходимлари зиммасига алоҳида маъсулият юклайди, албатта Шундан келиб чиқиб, кредит маблағларининг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш каби мақсадларга йўналтириляпти. Пировардида, республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам кўплаб янги корхоналар ташкил этилиб, аҳоли ўртасида бандлик даражаси ошмоқда. Узоққа бормайлик "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкининг Самарқанд филиали 2012 йилда ташкил этилган мижозларга кўрсатилаётган сифатли хизматлари билан тез орада тилга тушди. Чунончи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган сармоялар эвазига ишлаб чиқариш жадал ривожланиб бозорлар товар ва маҳсулотларга тўлиб бормоқда .

Шунингдек, оилавий тадбиркорлар қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, ёш оилаларга имтиёзли ва истеъмол кредитлари ажратиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, 2015 йилда ушбу ишлаб чиқариш соҳаларига филиал томонидан жами 3 млрд. 907 млн. 250 минг сўм миқдорида кредит ажратилган.

Бугунги кунда филиал таркибидаги мини-банклар орқали ҳам мижозларга намунали банк хизматлари кўрсатилмоқда. Чунончи, замонавий ахборот технологияларини амалиётга кенг жорий этиш ҳамда уларнинг турини кўпайтириш вазифаларидан бири қилиб қўйилган. Шунингдек "Интернет-банкинг", "SMS-банкинг" ва "Банк-Мижоз" каби масофавий банк хизматлари сифатини ошириш асосий вазифалардан бири қилиб қўйилган мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, тўпланган тажрибаларга таяниб, тармоқда замонавий риск-менежмент тизимини қатъий йўлга қўйиш пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш ва мижозлар ишончини тўла қозонишдан иборатдир.

**Алишер МУСАЕВ,**
**"Трастбанк" ХАБ Самарқанд филиали бошқарувчиси**

*Хизматлар лицензияланган*

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ



Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ,
*Ўзбекистон халқ артисти*

**ЮРТИМИЗ** қиёфасини буюк тарихисиз, урф-одатлари, адабиётию санъатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат ўзбек халқигагина хос аллалару ялталар бор. Юсуф қизиқ, Раҳим Пирмуҳаммедов, Наби Раҳимов, Обид Жалиловлар хизматини ўйлаганда қилаётган ишларинг нақадар майдалигини тушунасан. Мен студиядаги болалардан шу инсонлардек самимий бўлишни талаб қиламан. Катта-катта ишлар қилиб ҳам ҳаётдан таъмасиз, иддаосиз ўтган зотларга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишга уринамиз. Қизининг жасади устидан келибоқ саҳнага чиқишни тасаввур қилинг? Қайси касб эгаси куч топа олади бунга?

***

Бир одам ўтирган мардумга қарата "Бу кишига кабоб олиб келинглар", деб буюрибди. Ўтирган кимса "Қаердан билдингиз кабоб егим келаётганини", деб сўраса, у "Кўнглим жуда бўш, ўзгалар танидаги яра, менинг вужудимни оғритади", деб жавоб берган. Актёр ҳам ўзгалар орзу-истагини сўзсиз уқий олиши шарт. Албатта, кўнгил тарбиясисиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Одатда илгариги спектакллар яхши эди, актёрлар зўр ўйнарди, деган гапларга кўникиб қолганмиз. Йўқ, ҳаммаси пуч гап. Ўзбек театри тарихидаги ҳақиқий актёрларни номма-ном санайман десанг, бармоқларинг ортиб қолади. Актёрлик ниҳоятда мураккаб касб. Саҳнада ўзини эркин тутиб, импровизацияни уддалади дейиш мумкин. Кечирасиз, буни орсиз одам ҳам эплай олади. Мана, тўйларда ҳамма чиқиб ўйнайди, лекин ҳамма раққоса дегани эмас-ку. Шу сабаб бу касбга атайлаб тайёрланган, актёрлик онг-онгига сингиб кетган одамлар зарур. Қолаверса, отамерос туйғу ҳам кўп нарсани ҳал қилади. Яъни — ирсий қобилият! Масалан, ўн етти ёшигача актёрлар оиласида катта бўлган бола санъат институтига ўқишга киради. У шу вақтга қадар — ўн етти йилдирки кино-театр муҳитида ўсган. Энди, ота-онаси ҳеч қачон санъат билан шуғулланмаган, бошқа бола эса ўн етти йилга кеч қолиб киради. Тушунтира оляпманми? Менинг отам дурадгор бўлса, болалигимдан ёғочу ускуналар овозини эшитиб, қулоқ тақ-таққа кўникади. Арра-ранда билан қандай юмуш бажариш мумкинлигини сўзсиз биламан. Ўн етти ёшимдаёқ ўз-ўзидан устага айланаман. Муҳитдан ажралган ҳолда шахс шаклланиши қийин.

***

Хиёнатлар ичида энг оғири касбга қилинган хиёнат деб биламан. Белгиланган муддатда ҳар қандай ишни битириш мумкин. Лекин унинг сифати-чи? Иш буюрувчига барибир, у нима бўлса-бўлсин тезроқ "материал"ни қўлга олгиси келади. Унга сизнинг шаънингиз, номингиз ҳеч нимани англатмайди. "Материал" қай кўринишда бўлмасин, хоҳ саҳна, хоҳ экран, ё мақола шаклида, фикрга ҳоким, сўз эгаси — Сиз! Ўзингни қай даражада ҳурмат қила оласан, ички маданиятинг ишга бўлган муносабатда кўринади. Табиат барибир ўз айтганини қилади. У хўжакўрсинчи — шошма-шошарлардан боплаб ўчини олади. Биларсиз, теракнинг тез ўсадиган навидан уй қуриб бўлмайди.

***

Истеъдодсизлар ўз йўлини топиб олаверади. Истеъдод ҳимояга муҳтож, асранг уни, деган фикрда катта ҳикмат бор. Чунки истеъдоднинг тугилган мушти бўлмайди, кўнгли жуда бўш бўлади. Шу учун истеъдодли одамлар ҳамиша бой бериб келишган. Гўзалликнинг иродаси мўрт. Курашувчанлик эзгулик учун мисоли бир бегона ўт, у бу дағалликни ўз бағрига сиғдиролмайди. Истеъдод эгаси одамлар билан эмас, асосан ўз хаёли, ўзлиги билан банд. Унга орзусидаги мукаммалликка интилишига халал беришмаса бўлди. Бу мукаммалликни истеъдодсизлар ўз даражасида — мансаб, шон-шуҳрат, обрў-эътибор ва яна алламбало деб тушунишади. Чин истеъдод фақат битта манзилни кўзлайди — ЕТУКЛИК! Яъни шамоллару алангаларга қилт этмасдан, тик туриш санъати. Ўзингни топиш йўлида эса қарама-қаршиликлар, тўсиқлар ниҳоятда кўп. Атрофдаги одамлар, муҳит бор кучи билан инсоннинг инсон бўлишига халал беради. Нафс, ҳасад, назари очлик каби қора туйғулар ўзингни англашга йўл қўймайди. Қолаверса, ич-ичингдан юксалишингга ёлғиз ўзингнинг кучинг етмайди. Бу учун, албатта, атрофингда сени тушунадиган, хайрихоҳ одамлар бўлиши даркор. Шарқ мутафаккирларида шундай фикр бор: "Искандар замони бўлса ҳам пирсиз юрма". Яъни одам бўламан десанг, олдингда маънавий раҳнамойинг бўлиши шарт.

Реклама ўрнида

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ

*Ҳозирги кунда мамлакатимиз молия бозорида шаклланган соғлом рақобат муҳити инновацион жараёнларни фаоллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини ошириш имконини бермоқда зеро, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш иқтисодий ислоҳатлар шароитида катта аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, Молия бозорида ўз ўрнига эга бўлган "Ипотека банк" АТИБ ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, замонавий хизматлар кўламини кенгайтирмоқда. Бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта.*

*Таъкидлаш жоизки, молиявий барқарорлик ҳар бир банк учун бош мезон саналади. Бу эса кўп жиҳатдан малакали мутахассисларга боғлиқ. Чунки муҳим молиявий операцияларни амалга оширишда асосий масъулият улар зиммасига тушади. Жойларда "Ипотека банк"нинг мавқеи мустаҳкамланаётганлиги ҳам бежиз эмас. Хусусан, бизнес-режа тузиш, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда мижозларга зарур ёрдам кўрсатилаётганлиги ва тегишли маслаҳатлар берилаётганлиги айни муддао бўлаётир. Натижада банк муассасасига бўлган ишонч янада мустаҳкамланиб, жойларда унинг обрў-эътибори ошмоқда.*

**С.Алимуҳамедов,**
**"Rubber product" МЧЖ раҳбари**

— Банк билан корхонамиз ўртасида барқарор молиявий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биз асосан қурилиш матералларари ишлаб чиқарамиз. Улар мамлакатимиз бўйича ўз харидорларига эга. Жорий йилда кўпайтириш "Ипотека АТИБ Чирчиқ шаҳар бўлими томонидан бизга зарур миқдорда кредит ажратилган эди. Шу ҳисобдан ишлаб чиқариш унумдорлигини икки баробар оширишга эришдик.

Корхонамизда ва тайёрланаётган юқори сифатли қурилиш матералларига талаб катта. Чунки кўп қаватли ва якка тартибдаги турар-жойларни барпо этиш учун улар жуда зарур. Шу ҳисобдан, айниқса ички имкониятлардан фойдаланиш орқали анчагина қўшимча иш ўринлари яратишга эришдик.

Келажакдаги режаларимиз янада катта. Банкнинг имтиёзли кредит линиялари орқали чет эл технологияларини жорий этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва турини кўпайтириш, шу орқали аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаб эҳтиёжини қондиришга ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Айни пайтда янги лойиҳаларни амалга ошириш, замонавий хизматларни жорий этиш йўлида фаоллик билан иш олиб борилмоқда. Энг муҳими жалб этилаётган кредит линиялари ва банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан молиявий базани мустаҳкамлашга эришилаётир.

Зеро, мамлакатимиз молия бозорида ўз ўрнига эга бўлган "Ипотека банк" АТИБ замонавий хизматлар кўламини кенгайтириб аҳолининг ишончли ҳамкорига айланмоқда, бу эса унинг ёрқин истиқболидан далолат беради.

**Фахриддин НУРАЛИЕВ**

*Хизматлар лицензияланган*

## "XXI ASR" дан 21 совға!" АКЦИЯСИ

***"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан "XXI asr" дан 21 совға!" деб номланган махсус акцияни эълон қилади!***

**Акцияда иштирок этиш учун сиз газетага камида 6 ой муддатга обуна бўлишингиз керак. Обуначилар таҳририят шартномаси ва тўлов топшириқномаси ҳамда таҳририят ҳисоб-рақамига тўланган чекларни бизга тақдим этишларининг ўзи кифоя. Ҳар 25-обуначи истиқлолнинг 25 йиллиги байрами арафасида таҳририятнинг махсус совғасига эга бўлади.**

**Йиғилган тўлов ҳужжатлари мустақиллик байрами арафасида лотерея кўринишида аниқланади ва 21 иштирокчига қимматбаҳо совға тақдим этилади. Ғолибларнинг исми-шарифи "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетасининг Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига бағишланган сонида эълон қилинади.**

**АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИБ, ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ.**

**Таҳририятдан шартнома ва қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги рақамларга қўнғироқ қилишингиз мумкин.**

**Қабулхона: (0371)215-63-80**
**Обуна ва реклама бўлими: (0371)255-68-50**
**Ҳисобхона: (0371)255-45-08**

**Банк риквизитлари: АТБ Qishloq Qurilish Bank Тошкент вилоят филиали ҳисоб рақами 20208000904296447001, МФО: 00987, ИИН: 204746574**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73а уй.**

*Хизматлар лицензияланган*

O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши жамоаси ҳудудий партия ташкилоти раиси Яшин Душановга онаси
**Ўралой Тошниёзова**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Биз сизнинг хизматингиздамиз!**
**Муҳтарам тадбиркорлар, азиз ишбилармонлар!**

Реклама

"Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси мутахассислари сифатли, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп, дунё стандарти талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлашни ташкил этган тадбиркорлар, кўп тармоқли фермер хўжаликларига маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификати олишда ёрдам беради.
Халқаро ISO 9001 – "Сифатни бошқариш тизими"ни корхонангизда жорий этишингизда марказимизнинг малакали ходимлари, эксперт-аудиторлари сизга яқин маслаҳатчи ва кўмакчи бўладилар. Шунингдек, хонадонингиз ёки корхонангизга ўрнатилган мавжуд ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам мутахассисларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳурматли тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!
Сиз "Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонасининг **+99873 543-11-13** рақамли "Ишонч телефони" ёки www.qoqonssm.uz веб-сайтимиз орқали ўзингизни қизиқтирган барча саволларга тез ва аниқ жавоб олишингиз мумкин. Сизнинг ҳар бир мурожаатингиз эътиборимиздан четда қолмайди.

**Манзилимиз: Қўқон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 1-А-уй.**
**Телефонларимиз: +998 73 543-11-14. факс: +99873 543-11-18.**
**e-mail: qoqonssm@rssm.uz**

**"Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси**

*Хизматлар лицензияланган*

**Биз сизнинг хизматингиздамиз!**

"Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази"
Давлат корхонаси товар ишлаб чиқарувчиларга яқиндан ёрдам бериш, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, уларнинг салмоғини янада кўпайтиришда тадбиркорларга яқиндан ёрдам беради.
Шунингдек, Сиз импорт товарлар, корхонангиз учун бутловчи қисмлар шунингдек ишлаб чиқараётган маҳсулотларингизни сертификатлаштириш ва синов ишларини амалга ошириш мақсадида марказимизнинг сертификатлаштириш идораси ва синов лабораторияларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Маҳсулотингизнинг ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлишида Халқаро ISO 9001 – "Сифат менежменти тизимлари"ни, ISO 22000, ISO 14001, ISO 18000, ISO 50001 халқаро стандартларни жорий этишингизда ҳам марказимизнинг малакали мутахассислари амалий ёрдам кўрсатадилар.

Қадрли тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!
Сиз "Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонасининг **+99871 267-03-10** рақамли "Ишонч телефони" ёки www.tashsert.uz веб-сайтимиз орқали мурожаат қилиб, маҳсулотингизни сертификатлаштириш учун электрон аризалар расмийлаштириш билан бирга соҳа юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб олишингиз мумкин. Сизнинг мурожаатингиз мутахассисларимизнинг назаридан қолмайди.
Чунки биз доимо сизнинг хизматингиздамиз!

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Равнақ кўчаси 1"Б".
**Телефонларимиз: +99871 267-03-10,** факс: **150-38-88**
**E-mail:** info@tashsert.uz

"Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази"
Давлат корхонаси

*Хизматлар лицензияланган*

## Qishloq Qurilish Bank

**Юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:**

***Миллий валютада:***
**"Соғлом авлод"** – *омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;*
**"Омад"** – *омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;*
**"Ёркин келажак"** – *омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.*

Омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

**"Юқори даромад"** – *омонатга маблағлар 8 ойдан 15 ойгача қабул қилинади.*

Омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

***Хорижий валютада:***
**"Капитал плюс"** – *омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади;*
**"Percent"** – *омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;*
**"Profit"** – *омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.*

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

**"Мадад"** – *маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;*
**"Хонадон"** – *маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;*
**"Қурилишга бошланғич бадал"** – *муддати – 1 йил.*

**Сизнинг омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**
✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
✓ миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

**Qishloq Qurilish Bank** – ***фаровон ҳаётингиз хизматида!***

***Хизматлар лицензияланган***

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** xxi_asr@umail.uz

"XXI ASR" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
"Ўзбекистон" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: S 5795 Тираж: 12967
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©"XXI ASR"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Б.ҚОБУЛОВ, Ш.РАҲИМОВ.